

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг АХБОРОТНОМАСИ

№2/2021(155) 1995 йилдан чиқа бошлаган

БЮЛЛЕТЕНЬ

Верховного суда Республики Узбекистан

БОШ МУҲАРРИР:

Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ

Робахон МАХМУДОВА

Халилилло ТУРАХУЖАЕВ

Икрам МУСЛИМОВ

Бахтиёр ИСАКОВ

Холмүмин ЁДГОРОВ

Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Замира ЭСОНОВА

Бобомурод РАЙИМОВ

Журнал 2007 йил
19 апрелда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигига
0249-рақам билан
рўйхатдан ўтган.

Республика Олий
аттестация комиссияси
Раёсатининг 2004 йил
17 декабрдаги 110/4-сонли
қарорига асосан ҳуқуқий,
илмий-амалий журнал
ваколати берилган.

Босишига 15.03.2021 йилда
топширилди. Бичими: А4.

«Muhammarrir nashriyot» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри,
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй.
Адади: 5335 нусха.
Буюртма № 135.

М У Н Д А Р И Ж А

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори
Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари
бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўртинчи
чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд
амалиёти обзори тўғрисида
5. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича
судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўртинчи чорагида
назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори
16. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори
Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари
бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўртинчи
чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд
амалиёти обзори тўғрисида
18. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари
бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўртинчи
чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд
амалиёти обзори
27. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори
Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурӣ ишлар
бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўртинчи
чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд
амалиёти обзори тўғрисида
30. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурӣ ишлар
бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўртинчи
чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд
амалиёти обзори
42. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори
Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлари
бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўртинчи
чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд
амалиёти обзори тўғрисида
45. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлари
бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўртинчи
чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд
амалиёти обзори



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ
ҚАРОРИ

2021 йил 28 январь

№ РС-02-21

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида қўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида қўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2020 йилнинг биринчи ва иккинчи ярмига мўлжалланган иш режалари, дастурлар ва йўл хариталарида белгилangan вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқда-ки, Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йил давомида келиб тушган 9695 та шикоят ва протестлар ўрганилган. Ўрганилган шикоятларнинг 358 таси қайтарилган, 5833 тасини судлов ҳайъатига ўтказиш рад қилинган, 1222 таси судлов ҳайъатига ўтказилган, 73 та иш назорат тартибида киритилган протестлар-

га асосан Олий суд Раёсатида қўрилган.

Шунингдек, 1214 та шикоят (протест) жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида қўриб чиқилиб, 1111 та шикоят (протест) қаноатлантирилган, 103 та шикоят (протест) рад қилинган. Жумладан, 656 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, ишлар янгидан апелляция ва кассация инстанциясида қўриш учун юборилган, жами 412 та иш ўзгартирилган, шундан 103 та иш бўйича жиноят малакаси ўзгартирилиб, жазо чораси камайтирилган, 193 та иш бўйича жиноят малакаси ўзгартирилмай, жазо чораси камайтирилган, 116 та иш бўйича суд қарорлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 490-моддаси бешинчи қисми ва бошқа асосларга кўра ўзгартирилган ҳамда 6 та иш тугатилган, 37 та иш бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасига асосан реабилитация қилинган.

Судлов ҳайъати томонидан қўрилган 1214 та ишнинг 103 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, 656 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, ишлар янгидан қўриш учун апелляция ва кассация инстанцияси судига юборилган, 412 таси бўйича суд қарорлари ўзгартирилган, 6 таси бўйича иш юритиш тугатилган, 37 та иш бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасига асо-

сан реабилитация қилинган.

Судлов ҳайъатида кўриб чиқилган ишларнинг 281 тасини Тошкент шаҳар, 178 тасини Тошкент вилояти, 48 тасини Хоразм вилояти, 84 тасини Фарғона вилояти, 83 тасини Самарқанд вилояти, 73 тасини Қашқадарё вилояти, 75 тасини Сурхондарё вилояти, 47 тасини Андижон вилояти, 35 тасини Навоий вилояти, 61 тасини Жиззах вилояти, 59 тасини Бухоро вилояти, 87 тасини Наманганд вилояти, 54 тасини Сирдарё вилояти, 49 тасини Қорақалпоғистон Республикаси судларида кўрилган ишлар ташкил этган.

Ишларни биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддасида белгиланган, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 463-моддаси биринчи қисмида белгиланган, айлов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишдаги айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айлов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларидага маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йифилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги ҳақидаги қонун талабларига;

шунингдек, Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги 07-сонли қарори 2-бандида одил судловни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, тарафларнинг ўзаро тортишуви, далилларнинг бевосита ва оғзаки усулда текширилиши асосида олиб борилиши ва иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлаш тўғрисидаги жиноят процессининг муҳим принципларига амал қилишлари лозимлиги, ушбу принциплардан ҳар қандай асосларга

кўра чекланиш, ҳукмни қонуний эмас деб топишга асос бўлиши, 7-бандида Жиноят-процессуал кодексининг 462-моддасига мувофиқ, суд айлов ёки оқлов ҳукми чиқариши мумкинлиги, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида назарда тутилган айбизлик презумпцияси принципи ҳукм турини аниқловчи мезон сифатида эътироф этилганлиги, 16-бандида Жиноят-процессуал кодексининг 463-моддасига кўра, айлов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, 21-бандида (Жиноят-процессуал кодексининг 467-моддаси) айлов ҳукмининг тавсиф қисмида, судланувчининг эълон қилинган айловга муносабати ёритилиши, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиши кераклиги, 24-бандида суд судланувчини баҳоловчи категорияларга тегишли белгиларга қараб айбор деб топишда, ушбу белгининг жиноий қилмишда мавжудлигини тасдиқловчи ҳолатларни келтириши шартлиги;

Олий суд Пленумининг 2018 йил 24 августдаги "Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида"ги 25-сонли қарори 16-бандида апелляция, кассация инстанцияси суди қисман ёки тўлиқ суд тергови ўтказиши, шу жумладан, биринчи инстанция суди томонидан текширилмаган далилларни текшириб чиқиши ва уларга суд мажлисида аниқланган янги ҳолатларни инобатта олган ҳолда ҳуқуқий баҳо бериши мумкинлиги, зарур ҳолларда суд қўшимча далилларни талаб қилиб олишда ташабbus кўрсатиши лозимлиги, 21-бандида Жиноят-процессуал кодексининг 482-моддасига мувофиқ, апелляция инстанцияси суди шикоят (протест)да баён этилган важлар билангина чегараланмасдан, суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ваadolатлилигини тўла ҳажмда (тафтиш тартибида) текширишга мажбурлиги ҳақидаги тушунтиришларга риоя қилмасдан, тарафларнинг судда келтирилган важларини тўлиқ текширилмаган-

лиги, жазо тайинлашда Жиноят кодексининг умумий қисми талабларини бузганлиги ҳамда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий ҳавфлилик даражасига, айборнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга эътибор қаратилмаганлиги, жиноятни малакалашда нотўри хуносага келинганлиги назорат инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилиши ва бекор қилинишига сабаб бўлган.

Назорат инстанцияси судида қуйи инстанция судлари қарорларини қайта кўриш ва уларнинг қонунийлигини текшириш жараёнида бирон-бир суднинг ишлари кўриш ва суд қарорларини тайёрлаш билан боғлиқ ижобий баҳоланадиган ва бундай ижобий тажрибани оммалаштирадиган фаолияти аниқланмади.

Судьялар одил судловни амалга ошириш-

да ишларни ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, моддий ва процесуал ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилишини, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини, қонун устуворлигини, қонунийликни мустаҳкамлаш ва жиноятларнинг олди олинишини, айб учун жазонинг муқаррарлигини, қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабати шаклланишини таъминлаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўрттинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорини муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ти Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига, мувофиқ Олий суд Раёсати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўрттинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Аҳборотномаси" ҳамда "Куч адолатда" газетасининг бирлашган таҳририяти (Ш. Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Жамоатчилик ва оммавий аҳборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси (А.Абидов), Аҳборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва аҳборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) суд амалиёти обзорини Ўзбекистон Республикаси Олий суди Аҳборотномаси, "Одил судлов" — "Правосудие" журнали ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати (Н.Мирзаалимов) ҳамда вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар

раислари зиммасига:

суд амалиёти обзорини вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, туман (шаҳар) судларининг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишини таъминлаш;

суд амалиёти обзорини барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида 2021 йил февраль ойида видеоконференсалоқа режимида семинар машғулотини ўtkазиш;

бажарилган ишлар ҳақидаги батафсил аҳборотни Олий суднинг Пленуми ва Раёсати котибиятига электрон шаклда 2021 йил 1 марта қадар тақдим этиш юклансин.

4. Ушбу қарор вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларга, туман (шаҳар) судларига амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилаётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари — жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг раиси И.Муслимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси

К. КАМИЛОВ

Олий суд Раёсатининг
2021 йил 28 январдаги
РС-02-21-сонли қарорига ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-хукуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2020 йилнинг биринчи ва иккинчи ярмига мўлжалланган иш режалари, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йил давомида келиб тушган 9695 та шикоят ва протестлар ўрганилган. Ўрганилган шикоятларнинг 358 таси қайтарилиган, 5833 тасини судлов ҳайъатига ўтказиш рад қилинган, 1222 таси судлов ҳайъатига ўтказилган, 73 та иш назорат тартибида киритилган протестларга асосан Олий суд Раёсатида кўрилган.

Шунингдек, 1214 та шикоят (протест) жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқилиб, 1111 та шикоят (протест) қаноатлантирилган, 103 та шикоят (про-

тест) рад қилинган.

Жумладан, 656 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, ишлар янгидан апелляция ва кассация инстанциясида кўриш учун юборилган, жами 412 та иш ўзгартирилган, шундан 103 та иш бўйича жиноят малакаси ўзгартирилиб, жазо чораси камайтирилган, 193 та иш бўйича жиноят малакаси ўзгартирилмай, жазо чораси камайтирилган, 116 та иш бўйича суд қарорлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг (бундан буён матнда ЖПК деб юритилади) 2-моддаси, 490-моддаси бешинчи қисми ва бошқа асосларга кўра ўзгартирилган ҳамда 6 та иш тугатилган, 37 та иш бўйича ЖПК 83-моддасига асосан реабилитация қилинган.

Судлов ҳайъати томонидан кўрилган 1214 та ишнинг:

103 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган;

656 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, ишлар янгидан кўриш учун апелляция ва кассация инстанцияси судига юборилган;

412 таси бўйича суд қарорлари ўзгартирилган;

6 таси бўйича иш юритиш тугатилган;

37 та иш бўйича ЖПК 83-моддасига асосан реабилитация қилинган.

Судлов ҳайъатида кўриб чиқилган ишларнинг 281 тасини Тошкент шаҳар, 178 тасини Тошкент вилояти, 48 тасини Хоразм вилояти, 84 тасини Фарғона вилояти, 83 тасини Самарқанд вилояти, 73 тасини Қашқадарё вилояти, 75 тасини Сурхондарё вилояти, 47 тасини Андижон вилояти, 35 тасини Навоий вилояти, 61 та-

сини Жиззах вилояти, 59 тасини Бухоро вилояти, 87 тасини Наманган вилояти, 54 тасини Сирдарё вилояти, 49 тасини Қорақалпоғистон Республикаси судларида кўрилган ишлар ташкил этган.

Ишларни биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари ни қўллашда католикларга йўл қўйилганиги сабабли, назорат инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ва бекор қилинган.

Жумладан, Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"-ги 07-сонли қарори 7-бандидаги, ЖПКнинг 462-моддасига мувофиқ, суд айблов ёки оқлов ҳукми чиқариши мумкинлиги, ЖПКнинг 23-моддасида назарда тутилган айбизлик презумпцияси принципи ҳукм турини аниқловчи мезон сифатида эътироф этилганлиги, 16-бандидаги ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчнинг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши 21-бандида, (ЖПКнинг 467-моддаси) айблов ҳукмининг тавсиф қисмида, судланувчнинг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиши, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиши кераклиги, 24-бандида суд судланувчини баҳоловчи категорияларга тегишли белгиларга қараб айбор деб топишда, ушбу белгининг жиноий қилмишда мавжудлигини тасдиқловчи ҳолатларни келтириши шартлиги ҳақидаги тушунтиришларига риоя қилинmasлик;

ЖПКнинг 22-моддасига кўра, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши лозимлиги;

ЖПКнинг 463-моддаси биринчи қисмida айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишдаги айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида

исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йигилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги "Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида"ги 25-сонли қарорининг 16-бандида апелляция, кассация инстанцияси суди қисман ёки тўлиқ суд тергови ўтказиши, шу жумладан, биринчи инстанция суди томонидан текширилмаган далилларни текшириб чиқиши ва уларга суд мажлисида аниқланган янги ҳолатларни инобатга олган ҳолда ҳуқуқий баҳо бериси мумкинлиги, зарур ҳолларда суд қўшимча далилларни талаб қилиб олишда ташаббус қўрсатиши лозимлиги, 21-бандида ЖПК 482-моддасига мувофиқ апелляция инстанцияси суди шикоят (протест)да баён этилган важлар билангина чегараланмасдан, суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини тўла ҳажмда (тафтиш тартибида) текширишга мажбурлиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги 07-сонли қарори 2-бандида одил судловни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, тарафларнинг ўзаро тортишуви, далилларнинг бевосита ва оғзаки усулда текширилиши асосида олиб борилиши ва иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлаш тўғрисидаги жиноят процессининг муҳим принципларига амал қилишлари лозимлиги, ушбу принциплардан ҳар қандай асосларга кўра чекланиш, ҳукмни қонуний эмас, деб топишга асос бўлиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Бироқ судларда қайд этилган қонун талаблари ва Пленум қарорлари тушунтиришларига риоя қилинмаган.

1. Айбдорда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равища үтказишга қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар бундай восита ёки моддалар ҳақиқатдан үтказиш мақсадида тайёрлаб қўйилганлигига оид далиллар мажмуидан келиб чиқишлири лозим.

Жиноят ишлари бўйича Пайариқ тумани судининг 2016 йил 7 декабрдаги ҳукмiga кўра, С.З. Жиноят кодексининг (бундан буён матнда ЖКнинг деб юритилади) 270-моддаси биринчи қисми, 25,273-моддаси бешинчи қисми билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 10 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти суди кассация инстанциясининг 2018 йил 26 июлдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, 2016 йил 24 август куни Пайариқ тумани ИИБ ходимлари томонидан үтказилган "Қорадори-2016" ва "Комплекс" профилактик тадбирлари давомида З.С. 2016 йил март ойининг охирларида таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган экинларни қонунга хилоф равища экиш ва етишириш мақсадини кўзлаб, оғзаки шартномага асосан Пайариқ тумани, "Оқтош" МФЙ, Оқтош қишлоғи худудида жойлашган "С.Х.О" фермер хўжалигига тегишли маккажӯҳори экилган 5 сотих ер майдонининг 4 x 9 қисмига 11 туп "каннабис" гиёҳвандлик ўсимлигини қонунга хилоф равища экиб, парваришлаб етишириб келаётганлиги аниқланган ва жами 11 туп "каннабис" гиёҳвандлик ўсимлиги холислар иштирокида хужжатлаштирилиб, далилий ашё сифатида олинган. Натижада, З.С. ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда кўп миқдордаги қуруқ ҳолдаги умумий вазни 24 243 грамм бўлган "каннабис" гиёҳвандлик ўсимлигини үтказа олмасдан, сотишига суюқасд қилганликда айланган.

ЖПКнинг 22-моддасида суд жиноят юз берганлиги, унинг содир этилишида ким айбдорлиги, шунингдек, у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шартлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши;

23-моддасида айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, судла-

нувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги;

463-моддасида айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йигилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимилиги белгиланган.

ЖКнинг 273-моддаси бешинчи қисмida гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунга хилоф равища сотиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги 07-сонли қарори 24-бандида жиноятни жиноят қонунинг у ёки бу моддаси, унинг қисми ёки банди билан тавсифлаш бўйича суднинг асослантирилган хulosаси айблов ҳукмнинг тавсиф қисмининг муҳим белгиси ҳисобланиши, бунда судланувчининг ҳаракатлари нима учун айнан шу модда, қисм, банд билан тавсифланаётганлиги аниқ кўрсатилиши белгиланган.

Ишни кўриш вақтида амалда бўлган Олий суд Пленумининг 1995 йил 27 октябрдаги "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равища муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 21-сонли қарори 4-бандида тергов органдари ва судлар гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равища эгаллашдан мақсад нима эканлигини аниқлашлари зарурлиги, эгаллаш келгусида үтказиш ёки сотиш учун амалга оширилганлиги аниқланган тақдирда айбдорнинг ҳаракатлари қайд этилган жиноятларга тайёргарлик кўриш деб квали-

ификация қилиниши кераклиги ҳақида тушинтириш берилган.

Иш бўйича қайд этилган қонун талаби ва Пленум қарорлари тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Хусусан, дастлабки тергов органи ва суд З.С.нинг "С.Х.О" фермер хўжалигига тегишли ер майдонининг маккажӯхори экилган 5 сотих ернинг 4×9 қисмига 11 туп "каннабис" гиёҳвандлик ўсимлигини экиб, парваришлаб келаётганлиги аниқланиб, топилган гиёҳвандлик воситалари фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда эканлигидан келиб чиқиб, унинг гиёҳвандлик воситасини ўтказишга суиқасд қилганликдаги айби исботлангани ҳақида асосли хulosага келган бўлса-да, бироқ унинг гиёҳвандлик воситаларини айнан ҳақ эвазига ўтказишга суиқасд қилганлиги ҳақидаги хulosасига асос бўлган бирон-бир далилни келтирмасдан тахминий қарор қабул қилган.

Гиёҳвандлик воситалари фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганининг ўзи айборни гиёҳвандлик воситаларини айнан ҳақ эвазига ўтказишга суиқасд қилганликда айблаш

учун етарли далил ҳисобланмайди.

Чунки иш бўйича З.С.нинг ушбу гиёҳвандлик воситасини сотиш ҳақида бирон-бир шахс билан келишгани ёки унинг шунга қаратилган ҳаракатлари ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда тўхтатилгани ёхуд унда ушбу воситани айнан сотиш йўли билан ўтказиш мақсади бўлгани аниқланмаган ва бундай далилни бугунги кунда судда тўплаш ва мавжуд шубҳани бартараф этиш имкониятлари тугаган.

Шу сабабли жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 17 декабрдаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича Пайариқ туман судининг 2016 йил 7 декабрдаги С.З.га нисбатан ҳукми ҳамда жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди кассация инстанциясининг 2018 йил 26 июлдаги ажрими ўзгартирилиб, унинг ҳаракати ЖКнинг 25, 273-моддаси бешинчи қисмидан 273-моддаси иккинчи қисмiga қайта квалификация қилинган ҳамда тайинланган жазо ЖКнинг 59-моддаси тартибида узил-кесил 9 йил озодликдан маҳрум қилишга келтирилган.

1-360-2016-сонли иш

2. Шахснинг гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни чет эл валютаси эвазига ўтказиши валюта қимматликларини қонунга хилоф равища олиш ёки ўтказиш билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди.

Жиноят ишлари бўйича Ангор туман судининг 2013 йил 27 майдаги ҳукмига кўра, С.П. ЖКнинг 177-моддаси иккинчи қисми "в" банди, 246-моддаси иккинчи қисми, 273-моддаси бешинчи қисми билан ЖКнинг 59, 61-моддалари тартибида узил-кесил 16 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, ЖКнинг 34-моддасига асосан ўта хавфли рецидивист деб топилган.

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2013 йил 4 июлдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, С.П. Афғонистондан 2002 йил январь ойида "К" исмли шахс томонидан контрабанда йўли билан етказиб берилган 5 кило "опий" гиёҳвандлик воситасини сақлаб келиб, ушбу гиёҳвандлик воситасини сотиш мақсадида Р.Х. билан бир гуруҳ бўлиб, тил бириктирган. Шундан сўнг Р.Х. 2012 йил август ойида Тошкент шаҳрида яшовчи "А." ва "Р." исмли шахсларга, 2013 йил февраль ойида Ф.Д., А.У.га "опий" гиёҳвандлик воситасини ўтказган. 2013 йил 11 март куни С.П.га сотилган "опий" гиёҳвандлик воситаси эвазига 1000 АҚШ доллари ва 1 500 000 сўм берган.

2013 йил 14 март куни Р.Х. тошкентлик "А." исмли шахсга яна 150 грамм "опий" гиёҳвандлик воситасини сотиш учун олиб кетаётганида "Дарбанд" ЙПХ масканида МХХ Сурхондарё вилоят бошқармаси ва Сурхондарё вилоят божхона бошқармаси ходимлари томонидан шахсий кўрикдан ўтказилганида, Р.Х.нинг турмуш ўртоги Г.С.дан цеплофан пакетга солинган вазни 151 грамм "опий" гиёҳвандлик воситаси топилган.

Шундан сўнг Р.Х.нинг яшаш уйида ўтказилган тинтувда ҳовлисига кўмиб қўйилган бир дона полиэтилен қопда 1266 грамм, Ф.Д.нинг яшаш уйидан 3,576 грамм, А.У.нинг яшаш уйидан 68,779 грамм "опий" гиёхвандлик воситаси топилган.

Суд С.П.нинг контрабанда йўли билан олиб келинган кўп миқдордаги "опий" гиёхвандлик воситасини сотишдан иборат жиноятни содир этишдаги айби исботланганлиги ҳақида асосли хulosага келиб, унинг ҳаракатлари тўғри квалификация қилинган.

Бироқ С.П.нинг ҳаракатлари ЖКнинг 177-моддаси иккинчи қисми "в" банди билан нотўғри квалификация қилинган.

Олий суд Пленумининг 2017 йил 28 арелдаги "Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоги ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 12-сонли қарори 22-бандида шахснинг гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни анча, кўп, жуда кўп миқдордаги чет эл валютаси

эвазига ўтказишга қаратилган ҳаракатлари ЖКнинг 177-моддаси тегишли қисми билан қўшимча квалификация қилишни талаб эт-маслиги, чунки мазкур модда валюта қимматликларини тўлов воситаси сифатида эмас, балки ушбу қимматликларнинг ўзини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш учун жавобгарликни назарда тутиши ҳақида тушунириш берилган.

Шу сабабли жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 22 декабрдаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича Ангур туман судининг 2013 йил 27 майдаги С.П.га нисбатан чиқарилган ҳукми ҳамда жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2013 йил 4 июлдаги ажрими ўзгартирилиб, С.П.нинг зиммасидан ЖКнинг 177-моддаси иккинчи қисмининг "в" банди чиқарилган ҳамда шу модда билан тайинланган жазо бекор қилиниб, тайинланган жазо ЖКнинг 59-моддаси тартибида 15 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилишга келтирилган.

1-92-13-сонли иш

3. Жиноят иши бўйича айблаш фикри ва суд ҳукмида жиноий гурухнинг уюшганлигини тасдиқловчи айнан қандай асослар мавжудлиги аниқланishi ҳамда кўрсатилиши лозим.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 2016 йил 9 авгуустдаги ҳукмига кўра, А.К. ЖКнинг 273-моддаси бешинчи қисми билан 12 йил ҳамда М.Б. ЖКнинг 273-моддаси бешинчи қисми билан 12 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланишган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2016 йил 29 сентябрдаги ажрими билан ҳукмнинг А.К.га оид қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2017 йил 22 авгуустдаги ажрими билан ҳукмнинг М.Б.га оид қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, А.К. ва М.Б. шу иш бўйича судланган К.Д., Ю.И., К.А. ҳамда дастлабки тергов давомида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган самарқандлик "Алишер" исмли ва бошқа номаълум шахслар билан олдиндан тил биритириб, уюшган гурухга бирлашиб, илгари гиёхвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда

муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан кўп миқдордаги гиёхвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб, қонунга хилоф равишда олиш, сақлаш, ташиш, сотиш жиноятини содир қилганликда айбли деб топилган.

2015 йил сентябрь оида К.Д. жиноий шериклари М.Б., Ю.И., К.А. ва А.К. ҳамда дастлабки тергов давомида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган "Алишер" исмли ва бошқа номаълум шахслар мақсадларини амалга ошириш учун ўзаро вазифаларни тақсимлаб олишган.

Жиноий режага кўра, К.Д., уюшган гурухга раҳбарлик қилиш, бошқа шахс билан музокара олиб бориб, у томонидан гиёхвандлик воситаларини бевосита ҳамда М.Б. орқали Ю.И.га сотиши, Ю.И. ушбу гиёхвандлик воситаларини К.А.га сотиши, К.А. эса, гиёхвандлик воситаларини А.К.га сотиши лозим бўлган.

2015 йил сентябрь оида К.Д. телефон орқали бошқа шахсга қўнфироқ қилиб, З-4

грамм "опий" гиёҳвандлик воситасини етказишга буюртма берган. Бошқа шахс номаълум манбадан кўп микдордаги 3-4 грамм "опий" гиёҳвандлик воситасини олиб, уни Тошкент Тиббиёт Академиясининг 1-сонли клиникасини ёнидан ўтган Тошкент халқа йўли ёқасига қонунга хилоф равишда ташиб келтириб, уюшган жиноий гурух раҳбари К.Д.га 100 АҚШ долларига нархлаб сотиб, ўзи жиноят содир этган жойдан яширган. К.Д. ушбу гиёҳвандлик воситасини ўзининг Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Кўксарой" ҚФЙ, "Коҳинур" МФЙда жойлашган хонадонига қонунга хилоф равишда олиб келиб, ўзини кийиб юрадиган кийимларини чўнтағида келгусида харидорларга сотиш мақсадида яшириб қўйган. Кейин эса, ушбу гиёҳвандлик воситаларининг бир қисмини, яъни 0,03 граммини яашаш хонадони дарвозаси олдида ўзи истеъмол қилган, 0,03 граммини эса, жиноий шериги М.Б.га истеъмол қилиш учун берган.

2015 йил 17 декабрь куни К.Д.нинг ёнидан 0,61 грамм "опий", яашаш хонадонидан 3,16 грамм "опий" гиёҳвандлик воситалари топилиб, тегишли тартибда расмийлаштирилиб олинган.

Шунингдек, 2015 йил 12 ноябрь куни соат 18:00 да А.К. "опий" гиёҳвандлик воситасини сотиб олиш мақсадида 700 АҚШ долларини жиноий шериги К.А.га берган, К.А. эса, 200 АҚШ долларни ўзига олиб қолган.

500 АҚШ долларини 2015 йил 13 ноябрь куни жиноий шериги Ю.И.га "опий" гиёҳвандлик воситасини топиб бериши учун берган. Ю.И. мазкур 500 АҚШ долларини олиб жиноий шериги М.Б.га "опий" гиёҳвандлик воситасини сотиб олиш мақсадида берган. М.Б. эса, К.Д.нинг яашаш хонадонига бориб, 500 грамм "опий" гиёҳвандлик воситасини топиб беришга буюртма бериб, 100 грамм "опий" ни 1500 АҚШ долларидан сотиб олишга ўзаро келишган. Шундан сўнг К.Д. телефон орқали бошқа шахсга қўнғироқ қилиб, 500 грамм "опий" гиёҳвандлик воситасини унга етказишга буюртма берган.

2015 йил 13 ноябрь куни соат 12:00 да бошқа шахс номаълум манбадан олган бешта ўрамдаги 407,1 грамм "опий" гиёҳвандлик воситасини Тошкент шаҳри, Ол-

мазор туманида жойлашган Тошкент Тиббиёт Академиясининг 1-сонли клиникасини ёнидан ўтган Тошкент халқа йўли ёқасида қонунга хилоф равишда олиб келиб, жиноий гурух раҳбари К.Д.га 6000 АҚШ долларга нархлаб насияга сотиб, шундан 500 АҚШ долларини ундан олиб, жиноят жойидан яширган. К.Д. ушбу гиёҳвандлик воситасини яашаш хонадонига қонунга хилоф равишда олиб келиб, сотиш мақсадида яшириб қўйган. Кейин эса, бешта ўрамдаги 407,1 грамм "опий" гиёҳвандлик моддасидан бир ўрамдаги 96,1467 граммини соат 20:00 атрофида К.Д. ўзининг хонадонида бўла туриб, жиноий шериги М.Б.га 96,1467 грамм "опий" гиёҳвандлик воситасини 1.500 АҚШ долларига нархлаб, 500 АҚШ долларини олиб, 1000 АҚШ долларини кейинчалик олиш шарти билан сотган. М.Б. мазкур гиёҳвандлик воситасини эгнидаги кўйлагининг олди чап чўнтағида солиб яшириб, бошқарувидаги "Ваз-2102" русумли, 10 L 082 FA давлат рақамли автомашинасида ўзининг Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ҳасанбой қўргонида жойлашган хонадонига қонунга хилоф равишда ташиб келтирган. Шу куни соат 22:00 да жиноий шериги Ю.И.га 96,1467 грамм "опий" гиёҳвандлик воситасини 1500 АҚШ долларга нархлаб, 500 АҚШ долларини олиб, қолган 1000 АҚШ долларини кейинчалик олишга келишиб, қонунга хилоф равишда сотиб, ўзи жиноят содир этган жойидан яширган. Ю.И. эса, мазкур "опий" гиёҳвандлик воситасини ўзи яшаётган Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Муқимий кўчаси, 10-уйига ташиб келтириб, келгусида харидорларга сотиш мақсадида ертўласига яширган.

Шундан сўнг 2015 йил 14 ноябрь куни соат 12:00 да Ю.И. ўзининг Зангиота тумани, Муқимий кўчаси, 10-уйида жиноий шериги К.А.га 96,1467 грамм "опий" гиёҳвандлик воситасини 1500 АҚШ долларига сотган ҳамда пулнинг 500 АҚШ долларини олиб, 1000 АҚШ долларини кейинчалик олишга ўзаро келишган.

2015 йил 14 ноябрда К.А. жиноий шериги Ю.И.дан олган гиёҳвандлик воситасининг 1 граммини яашаш хонадонида истеъмол қилиб, соат 16:15 да А.К.дан олган 500 АҚШ доллари эвазига, шунингдек, ундан кейинчалик 800 АҚШ доллар олиш шарти

билан "опий" гиёхвандлик воситасининг қолган 95,10 граммини А.К.га етказиб бериш мақсадида, вояга етмаган фарзанди, 2011 йилда туғилган Ш.Я.нинг эгнидаги курткаси ўнг ён чўнтағига жойлаштириб, ўғлини бошқарувидағи "ВАЗ-21011" русумли, 01 R 789 ЕА давлат рақамли автомашинаси орқа ўриндиғига ўтказиб, Тошкент шаҳри, Юнусобод туманида жойлашган Тошкент шаҳар ИИББ "Уч Қаҳрамон" ЙПХ масканидан ўтиб кетаётганида, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖК ва ТҚҚББ ҳамда МХХ ходимлари томонидан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда вояга етмаган Я.Ш.-нинг эгнидаги курткаси ўнг ён чўнтағига 95,10 грамм "опий" гиёхвандлик воситаси борлиги аниқланган.

2015 йил 17 ноябрь куни соат 13:30 да ўтказилган тинтуб жараёнида К.А.нинг Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ойдин ҳаёт маҳалласи, 15-үйидан 0,0467 грамм "опий" гиёхвандлик воситаси топилган.

2016 йил 7 январь куни К.Д.нинг Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Кўксарой" ҚФЙ, "Коҳинур" МФЙда жойлашган яшаш хонадонидан тўрт ўрамда бўлган 312,0 грамм "опий" гиёхвандлик воситалари аниқланиб, тегишли тартибда ашёвий далил сифатида расмийлаштириб олинган.

М.Б. 2015 йил август ойида дастлабки тергов жараёнида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган "Қурбон" исмли номаълум шахс, номаълум манбадан 1,63 грамм "марихуана", 2,437 грамм "кўкнори бошоги" ва 0,1704 грамм "гашиш" гиёхвандлик воситасини олиб, уни Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ўнқўрғон маҳалласига қонунга хилоф равишда ташиб келтириб, уюшган гуруҳ аъзоси М.Б.га ўтказиб, ўзи жиноят содир этган жойидан яширган.

2015 йил 14 ноябрь куни М.Б.нинг ёнидан тинтуб жараёнида харидорларга сотиши мақсадида қонунга хилоф равишда сақлаб қўйилган бир ўрамдаги 1,63 грамм "марихуана" гиёхвандлик воситаси ҳамда шу куни унинг Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Гулистон" ҚФЙ, X.Ниёзий кўчаси, 42-үйида оқ рангли қофоз бўлагига ўралган 2,437 грамм "кўкнори бошоги", 0,1704 грамм "гашиш" гиёхвандлик воситалари борлиги аниқланиб, тегишли тартибда олинган.

Суд А.К. ҳамда М.Б. томонидан содир этилган жиноят тафсилотини тўғри аниқлаб, уларнинг айби исботланганлиги ҳақида асосли хulosага келиб, ҳаракатларини тўғри квалификация қилган бўлса-да, қонун талаби ҳамда Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларига лозим даражада риоя қилмай, уларни жиноятни уюшган гуруҳда содир этганликлари ҳақида нотўғри хulosага келган. Жумладан, А.К. судда ҳамкаси сифатида К.А.ни танишини, унга К.А. "опий" гиёхвандлик воситасини ҳар бир граммини 150 000 сўмдан олиб келиб бериши мумкинлигини айтгани, шунда К.А.-га 10 грамм опий учун 1 500 000 сўм пул бергани, шундан сўнг 2016 йил 14 ноябрь куни ошхонада овқатланиб ўтирган вақтида олдига ички ишлар ходимлари келиб, К.А. унга гиёхвандлик воситаси олиб келаётган вақтда қўлга олинганлигини айтиб уни ҳам қўлга олишгани, судланувчилардан К.Д., М.Б. ва Ю.И.ни илгари танимагани, дастлабки терговда биринчи марта кўрганлигини баён қилган.

Шу иш бўйича судланган Ю.И. судда К.А. ундан гиёхванд воситаси топиб беришини илтимос қилгач, М.Б.га 500 АҚШ доллари бериб гиёхванд воситаси топиб беришни сўраб мурожаат қилгани, М.Б. 100 грамм "опий"ни 1500 АҚШ долларига баҳолаб, пулни қолган қисмини кейин олишини айтиб, бериб кетгани, шу гиёхванд воситасини К.А.га бергани, кейинчалик К.А.дан қолган пулни олишга келганда ИИВ ходимлари ушлашгани, А.К. ва К.Д.ни умуман танимаслиги, уюшган гуруҳга бирлашмагани билдирган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар кассация инстанцияси судида 2018 йил 19 декабрь куни сўроқ қилинган К.Д. бирга судланган маҳкумлардан М.Б.ни танишини, қолганларини умуман танимаслигини баён қилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар кассация инстанцияси судида 2018 йил 26 декабрь куни сўроқ қилинган М.Б. бирга судланган маҳкумлардан К.Д.ни таниши, қолганларини умуман танимаслиги, К.Д.дан гиёхванд воситасини олиб бир қисмини ўзига олиб қолиб, қолган қисмини маҳалласида яшовчи Ю.И. исмли танишига берганилиги, А.К. ва К.А.ни умуман танимаслиги, ҳеч ким билан уюшган гуруҳга бир-

лашмаганлиги ҳақида кўрсатув берган.

ЖКнинг 29-моддаси тўртинчи қисмida икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гурухга бирлашиши уюшган гурух деб топилиши кўрсатилган.

Олий суд Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги "Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида"ги 37-сонли қарори 5-бандида уюшган гурух деганда транспорт воситаларини олиб қочиш ёки бошқа жиноятларни содир этиш мақсадида икки ёки ундан кўп шахсларнинг барқарор бирлашмаси тушунилиши кераклиги, жиноий фаолиятнинг олдиндан режалаштирилганлиги, жиноий қасдни амалга ошириш учун зарур бўлган воситаларнинг тайёрланиши, иштирокчиларни танлаш, ёллаш ва улар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши, жиноятни яшириш чораларини таъминлаш, гурухда ўрнатилган интизомга ва ташкилотчининг кўрсатмаларига бўйсунишлик жиноий гурухнинг уюшганлигидан далолат бериши, айблаш фикрида ва суд ҳукмида айнан қандай асосларга кўра жиноий гурух уюшган деб топилганлиги кўрсатилган бўлиши шартлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Аниқланган ҳолатга кўра эса, А.К., М.Б. ва бошқа судланганлар ўзаро бир-биридан гиёхванд воситасини сотиб олиб, сотишган.

ЖПКнинг 23-моддасига мувофиқ, айбор-

ликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Конун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак.

Шу сабабли жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 14 декабрдаги ажрими билан:

жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 2016 йил 29 сентябрдаги А.К.га нисбатан ҳукми ҳамда жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2016 йил 29 сентябрдаги ажрими ўзгартирилиб, унинг айбидан "уюшган гурух" белгиси чиқарилган ҳамда А.К.га ЖКнинг 273-моддаси бешинчи қисми билан 11 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси;

жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 2016 йил 29 сентябрдаги М.Б.га нисбатан ҳукми ҳамда жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 22 августдаги ажрими ўзгартирилиб, М.Б.нинг айбидан "уюшган гурух" белгиси чиқарилган ҳамда ЖКнинг 273-моддаси бешинчи қисми билан 11 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

1-10009/17-сонли иш

4. Қилмишда жиноят таркиби бўлмаганлиги муносабати билан шахс айбизиз деб топилиб, реабилитация этилди ва жиноят иши ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан тугатилди.

Жиноят ишлари бўйича Зафаробод туман судининг 2019 йил 4 февралдаги ҳукмiga кўра, И.К., Х.У. ва Б.Ф.га ЖКнинг 228-моддаси иккинчи қисми "б" банди билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланилиб, 1 йил муддатга барча корхона, ташкилот ва мусассаларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 5 мартағи ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмiga кўра, И.К., Х.У. ва Б.Ф.

куйидаги ҳолатларда бир гурух шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, сохталашибурувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатларни қалбаки-лаштиришда айбли деб топилганлар.

И.К. Жиззах вилоят ИИБ УЯ 64/78-сонли жазони ижро этиш колониясида канцелярия бошлиғи лавозимида ишлаб келиб, муассаса тартибот бўлими тезкор вакили Х.У. ва соғлиқни сақлаш пункти бошлиғи шифокор Б.Ф. билан бир гурух шахс бўлиб, олдиндан жиноий тил бириктириб, 2017 йил 14 сентябр куни 64/78-

сонли ЖИЭКга келган Жиззах вилоят ИИБ бошлигининг "Вилоят ички ишлар органлари шахсий таркибиغا 1-2-3-тоифа малакасини бериш тўғрисида" 2017 йил 4 августдаги 132-сонли буйругини сохталаштиришиб, ушбу буйруқнинг қирқ еттинчи бетидаги "Тиббиёт бўлими бўйича: - сафдор Д.Ж. бошқарма тиббиёт бўлими хайдовчи ходими;" ёзуви ўрнига "64/78-ЖИЭК бўйича: - катта лейтенант Х.У. 78-ЖИЭК тартибот гурухи тезкор вакили; - катта лейтенант Б.Ф. 78-ЖИЭК соғлиқни сақлаш пункти бошлиги шифокор;" ёзувларини киритиб, натижада 64/78-сонли ЖИЭК тартибот гурухи тезкор вакили Х.У. ва соғлиқни сақлаш пункти шифокори Б.Ф.га З-малака тоифаси бериш тўғрисида сохталаштириб, ноконуний тарзда ушбу ходимларга ҳар ойда 145 276 сўмдан ойлик маошига қўшимча пул олишларига эришган.

Шунингдек, Х.У. ва Б.Ф. 2016-2017 ўкув йиллари якуни бўйича синов имтиҳонларини топширган бўлса-да, ИИВнинг 2014 йил 7 апрелдаги "Ички ишлар идораларининг малака комиссияларининг фаолияти ҳамда сафдор, сержант ва офицерлар таркибиغا малака тоифасини бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"-ги 55-сонли буйругининг талабига кўра, ички ишлар ходимларига ички ишлар органларида уч йил, хизмат йўналиши бўйича икки йил ишлаганидан сўнг синовлардан муваффақиятли ўтган тақдирда малака тоифаси берилишини билиб, хизмат йўналиши бўйича икки йиллик меҳнат стажига эга эмаслигини, шу сабабли унга малака тоифаси берилмаслигини англаган ҳолда, Жиззах вилоят ИИБ бошлигининг "Вилоят ички ишлар органлари шахсий таркибиغا 1-2-3-тоифа малакасини бериш тўғрисида" 2017 йил 4 августдаги 132-сонли буйруги сохталаштирилганлигини била туриб, мазкур сохта буйруқ асосида 2017 йил май ойидан 2018 июнь ойига қадар ойлик маошига қўшимча 2 005 098 сўм тўланишига эришган.

ЖКнинг 9-моддасида шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлиши белгиланган.

ЖПКнинг 23-моддасида айборликка оид барча шубҳалар, башарти уларни барта-

раф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги наzarда тутилган.

Шунингдек, ҳукм чиқарилган вақтда амалда бўлган Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги 07-сонли қарори 10-бандида судлар айблов ҳукми чиқараётганларида жиноий ҳодиса юз берганлиги, шахснинг қилмишида жиноят таркибининг борлиги, унинг ушбу жиноятни содир этилишида айборлиги каби ва ЖПКнинг 457-моддасида кўрсатилган бошқа масалаларни ҳал қилишлари лозимлиги, шу билан бирга айблов ҳукмининг тавсиф қисми мазмуни тартибга солинган ЖПКнинг 467-моддаси талабига кўра, агар жиноят бир гурух шахслар томонидан олдиндан тил бириттириб ёки уюшган гурух томонидан содир этилган бўлса, ҳукмда жиноятнинг ҳар бир иштирокчиси томонидан айнан қандай жиноий ҳаракатлар содир этилганлиги аниқ кўрсатилиши кераклиги, айблов ҳукмининг тавсиф қисмida судланувчининг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиши, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиши кераклиги, 11-бандида жиноятни ЖКнинг у ёки бу моддаси, унинг қисми ёки банди билан тавсифлаш бўйича суднинг асослантирилган хulosаси айблов ҳукмининг тавсиф қисмининг муҳим белгиси ҳисобланиши, бунда айборнинг ҳаракатлари нима учун айнан шу модда, қисм, банд билан тавсифланаётганлиги аниқ кўрсатилиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ судлар юқорида қайд этилган қонун талаблари ва Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларига риоя этмаган.

Жиноят иши ҳужжатларига кўра, И.К. Жиззах вилоят ИИБ УЯ 64/78-сонли жазони ижро этиш колониясида канцелярия бошлиғи лавозимида, Х.У. муассаса тартибот бўлими тезкор вакили, Б.Ф. соғлиқни сақлаш пункти бошлиғи шифокор бўлиб ишлаган вақтида Жиззах вилоят ИИБ бошлигининг 2017 йил 4 августдаги 132-сонли буйруғидаги малака тоифасига Х.У.

ва Б.Ф.нинг исмларини киритиб, ўзгартириш киритиб қўйишган, натижада Х.У. ва Б.Ф. ҳар ойда 145 276 сўмдан ойлик маошига қўшимча пул олишган.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги "Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги 4-сонли қарори 8-бандида, агар мансабдор шахс ўзи содир этган талон-торож жиноятини енгиллаштириш ёки яшириш мақсадида расмий ҳужжатларга била туриб ёлғон маълумотлар ва ёзувлар киритган бўлса, унинг қилмиши тегишинча ЖКнинг 167 ва 209-моддаларида ёки ЖКнинг 167 ва 228-моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинмоғи кераклиги, агар мансаб соҳтакорлиги мансабдорлик жиноятининг субъекти бўлмаган бошқа шахслар билан иштирокчиликда содир этилган бўлса, бундай иштирокчиларнинг ҳаракатлари, башарти улар талон-торож жинояти иштирокчиси бўлмаса, ЖКнинг 228-моддаси билан эмас, балки мазкур Кодекснинг 28,209-моддалари билан квалификация қилинмоғи кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Судлар И.Қ., Х.У. ва Б.Ф. ички ишлар органи ходимлари эканлигини эътибордан четда қолдирган.

Шунингдек, ЖКнинг 209-моддаси диспозициясига кўра, мансабга соҳтакорлиги, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб соҳта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб соҳта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабабчи бўлганда, жиноий жавобгарлик белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги "Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 23-сонли қарори 4.5-бандида мансабдорлик жиноятига хос жиноий оқибат — жиддий зиён бўлиб, у ўз хусусияти ва кўла-

мига кўра, кўп миқдорни ташкил этиши, жиддий зиён сифатида, жумладан, содир этилган жиноят туфайли бўлинмада (қисмда) ҳарбий интизомга путур этиши, жанговар топшириқнинг, ўқ отиш машғулотларининг, ишларнинг барбод бўлиши ҳарбий мулкка зиён етказиш ёки уни йўқ қилиш, жиддий моддий зиён етказиш, ҳарбий хизматчилар ва бошқа шахсларнинг шахсий ёки мулкий ҳуқуқларининг бузилиши кабилар тан олиниши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги "Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида"ги 11-сонли қарори 27-бандида фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зиён етказиш моддий зарар тарзида ҳам, бой берилган фойда тарзида ҳам, шунингдек ҳокимият органларининг обрўсига путур етказишда ифодаланган бўлиши мумкинлиги кўрсатилган.

Жиноят ишида ички ишлар органининг обрўсига путур етказилганлик ҳолати аниқланмаган.

Бундан ташқари Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги "Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"-ги 4-сонли қарори 3-бандида корхона, мусассаса, ташкилот мулкини ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб мавқеини суиистеммол қилиш, фирибгарлик ва ўғирлик йўли билан талон-торож қилиш (ЖКнинг 167, 168, 169-моддалари) учун жиноий жавобгарлик фақат талон-торож суммаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 61-моддаси учинчи қисмида кўрсатилган миқдордан ошган тақдирда келиб чиқади. Алоҳида квалификация белгилари мавжуд бўлган ҳоллар ҳам бундан мустасно эмаслиги белгилаб қўйилган.

Қонун мазмунига кўра, айбдор ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш мақсадида ҳужжатларни соҳталаштирган ёки қалбакилаштирган бўлса (ҳатто жинояти енгиллаштириш мақсадида бўлса ҳам), айбдорнинг ҳаракатлари фақат ЖКнинг 167-моддаси билан квалификация қилиниши кераклиги, агар мулк

ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилингандан, сўнг жиноятни яшириш, пайдо бўлган камомадни беркитиш мақсадида ҳужжатларни сохталаштирган ёки қалбакилаштирган бўлса, мансабдор бўлмаган шахснинг ҳаракатлари ЖКнинг 167 ва 228-моддалари билан жиноятлар жами тариқасида, агар мансабдор шахс бўлса, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 167-моддаси иккинчи қисми "Г" банди ва 209-моддаси (mansab сохтакорлиги) билан жиноятлар жами тариқасида квалификация қилиниши керак бўлади.

Жиноят иши бўйича Х.У. ва Б.Ф. 2016-2017 ўкув йиллари якуни бўйича синов имтиҳонларини топширган бўлса-да, Жиззах вилоят ИИБ бошлигининг "Вилоят ички ишлар органлари шахсий таркибига 1-2-3-тоифа малакасини бериш тўғрисида" 2017 йил 4 августдаги 132-сонли буйруғига ўзgartириш киритишганлиги натижасида 2017 йил май ойидан 2018 июнь ойига қадар ойлик маошига қўшимча 2 005 098 сўм тўланишига эришган.

Юқоридаги Олий суд Пленуми қарори ва қонун мазмунига кўра, Х.У. ва Б.Ф.нинг жиноят иши бўйича етказган зарар суммаси 4 411 638 сўмни ташкил қилган бўлиб, ЖКнинг 167-моддаси билан жиноий жавобгарлик фақат талон-торож суммаси жиноят таркибини бермаганлиги сабабли, уларга нисбатан ЖКнинг 167-моддаси билан жиноят иши қўзғатилмаган.

Лекин дастлабки тергов ва суд ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш мақсадида ҳужжатларни сохталаштирган ёки қалбакилаштирган бўлса (хатто жиноятни енгиллаштириш мақсадида бўлса ҳам), айборнинг ҳаракатлари фақат ЖКнинг 167-моддаси билан квалификация қилиниши кераклиги ҳақидаги талабига зид равишда, уларни ҳаракатларини ЖКнинг 228-моддаси билан квалификация қилган.

Шу сабабли жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 17 августдаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича Запаробод туман судининг 2019 йил 4 февралдаги ҳукми ҳамда Жиззах вилоят суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 5 марта даги ажрими бекор қилиниб, И.К., Х.У., Б.Ф.нинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги муносабати билан улар ЖКнинг 228-моддаси иккинчи қисмининг "б" банди билан айбиз деб топилиб, реабилитация этилган ва жиноят иши ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан туғатилган.

1-1309-1801/94-сонли иш



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ
ҚАРОРИ

2021 йил 28 январь

№ РС-03-21

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада тақомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2020 йилнинг биринчи ва иккинчи ярмига мўлжалланган иш режалари, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига 2020 йил давомида 6294 та шикоят ва протестлар келиб тушган, шундан 6159 таси ўрганиб чиқилган.

Ўрганилган шикоятларнинг 2063 таси қайтарилган, 3018 тасини судлов ҳайъатига ўtkазиш рад қилинган, 1078 таси назорат

инстанциясига ўтказилган, 11 та иш назорат тартибида киритилган протестларга асоссан Олий суд Раёсатида кўрилган.

Шунингдек, назорат тартибидаги шикоят ва протестлар бўйича 550 та иш судлов ҳайъатида кўриб чиқилган.

Судлов ҳайъати томонидан ўтган давр мобайнида кўрилган ишлар бўйича 27 та хусусий ажрим чиқарилган.

Ишларни биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда қўйидаги хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги сабабли, назорат инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ва бекор қилинган:

қўлланилиши лозим бўлган қонун ёки бошқа қонун ҳужжатини қўлламаганлиги;

иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги;

суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги;

суд қўлланилмаслиги лозим бўлган қонун ёки бошқа қонун ҳужжатини қўллаганлиги;

суд қонун ёки бошқа қонун ҳужжатини нотўғри талқин қилганлиги.

Назорат инстанцияси судида қўйи инстанция судлари қарорларини қайта кўриш ва уларнинг қонунийлигини текшириш жараёв

нида бирон-бир тоифадаги ишларни кўриш ва суд қарорларини тайёрлаш билан боғлиқ ижобий баҳоланадиган ва бундай ижобий тажрибани оммалаштирадиган фаолияти аниқланмади.

Судъялар одил судловни амалга оширишда ишларни ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўлланилишини, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаат-

ларини ҳимоя қилинишини, қонун устуворлигини, қонунийликни мустаҳкамлаш, қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабати шаклланишини таъминлаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорини муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ, Олий суд Раёсати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси" ҳамда "Куч адолатда" газетасининг бирлашган таҳририяти (Ш. Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) суд амалиёти обзорини Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси, "Одил судлов" — "Правосудие" журнали ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати (Г.Парпиева) ҳамда вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар

раислари зиммасига:

суд амалиёти обзорини вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати, туманларарабо, туман (шаҳар) судларининг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишини таъминлаш;

суд амалиёти обзорини барча судъялар иштирокида ўрганиш мақсадида 2021 йил февраль ойида видеоконференсалоқа режимида семинар машгулотини ўтказиш;

бажарилган ишлар ҳақидаги батафсил ахборотни Олий суднинг Пленуми ва Раёсати котибиятига электрон шаклда 2021 йил 1 марта қадар тақдим этиш юклансин.

4. Ушбу қарор вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларга, туманларарабо, туман (шаҳар) судларига амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсан.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Б.Исақов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси

К. КАМИЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-хукуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимиюти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2020 йилнинг биринчи ва иккинчи ярмига мўлжалланган иш режалари, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқда-ки, Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига 2020 йил давомида 6294 та шикоят ва протестлар келиб тушган, шундан 6159 таси ўрганиб чиқилган.

Ўрганилган шикоятларнинг 2063 таси қайтарилиган, 3018 тасини судлов ҳайъатига ўтказиш рад қилинган, 1078 таси назорат инстанциясига ўтказилган, 11 та иш назорат тартибида киритилган протестларга асосан Олий суд Раёсатида кўрилган. Шунингдек, назорат тартибидаги шикоят ва протестлар бўйича 550 та иш судлов ҳайъатида кўриб чиқилган.

Статистик таҳлиллар орқали Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг (бундан бўён матнда ФПК деб юритилади) 2-моддасида белгиланган суд ишларини юритиш мақсади ва вазифала-

рига қуий судлар томонидан қанчалик даражада эришилганлигини баҳолаш мумкин.

Судлов ҳайъати томонидан кўрилган 550 та ишнинг:

202 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгарышсиз қолдирилган;

30 таси бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, ишлар янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган;

80 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, 42 та иш янгидан кўриш учун кассация инстанцияси судига, 38 та иш янгидан кўриш учун апелляция инстанцияси судига юборилган;

48 таси бўйича суд қарорлари ўзгартирилган;

104 таси бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, янги қарор қабул қилинган;

17 таси бўйича иш юритиш тугатилган;

1 таси бўйича суд қарори бекор қилиниб, шикоят кўрмасдан қолдирилган;

47 таси бўйича апелляция (кассация) инстанцияси судининг қарорлари бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг қарорлари ўз кучида қолдирилган.

Судлов ҳайъатида кўриб чиқилган ишларнинг 100 тасини Тошкент шаҳар, 70 тасини Тошкент вилояти, 50 тасини Фарғона вилояти, 43 тадан Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари, 38 тасини Самарқанд вилояти, 37 тасини Қорақалпоғистон Республикаси, 33 тасини Сурхондарё вилояти, 30 тасини Жizzах вилояти, 24 тадан Сирдарё, Навоий ва Андижон вилоятлари, 23 тасини Бухоро вилояти, 11 тасини Наманган вилояти судларида кўрилган ишлар ташкил этган.

Судлов ҳайъатида назорат тартибида кўрилган ишларнинг ўрганилган ишларга нисбатан олганда бекор қилинган ёки ўзгартирилганлиги вилоятлар кесимида қуидагида кўринишни ташкил этган, яъни:

Сирдарё вилояти судларининг 70,8 фоиз (24 та иш кўрилган, шундан 4 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 13 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Тошкент шаҳри судларининг 67 фоиз (100 та иш кўрилган, шундан 9 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 58 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Андижон вилояти судларининг 66,7 фоиз (24 та иш кўрилган, шундан 16 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Тошкент вилояти судларининг 65,7 фоиз (70 та иш кўрилган, шундан 13 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 33 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Фарғона вилояти судларининг 64 фоиз (50 та иш кўрилган, шундан 6 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 26 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Самарқанд вилояти судларининг 63,2 фоиз (38 та иш кўрилган, шундан 2 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 22 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Қашқадарё вилояти судларининг 62,7 фоиз (43 та иш кўрилган, шундан 2 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 25 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Наманган вилояти судларининг 54,5 фоиз (11 та иш кўрилган, шундан 1 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 5 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Сурхондарё вилояти судларининг 54,5 фоиз (33 та иш кўрилган, шундан 1 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 17 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Қорақалпоғистон Республикаси судларининг 54 фоиз (37 та иш кўрилган, шундан 2 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 18 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Жizzах вилояти судларининг 50 фоиз (30 та иш кўрилган, шундан 1 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 14 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Навоий вилояти судларининг 45,8 фоиз (24 та иш кўрилган, шундан 1 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 10 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Хоразм вилояти судларининг 44,2 фоиз (43 та иш кўрилган, шундан 3 та иш бўйича

суд қарорлари ўзгартирилган ва 16 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Бухоро вилояти судларининг 34,7 фоизни (23 та иш кўрилган, шундан 3 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 5 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган) ташкил этган.

Судлов ҳайъати томонидан ўтган давр мобайнида кўрилган ишлар бўйича 27 та хусусий ажрим чиқарилган.

Ишларни биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда хатоликларга йўл қўйилганлиги сабабли, назорат инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ва бекор қилинган. Жумладан, судлар ишга тиклаш ҳақидаги ишларни кўришда даъвогар билан меҳнат шартномаси ўз хоҳиши билан бекор қилинган бўлса-да, унга нисбатан суднинг айблов ҳукми бекор қилиниб, даъвогар реабилитация қилинганилиги асосида даъвони қаноатлантирган (Навоий вилоят суди).

ФПКнинг 80-моддасига мувофиқ, суд далилларга ишнинг ҳамма ҳолатларини жамлаб, уларни суд мажлисида қонунга амал қилган ҳолда, ҳар тарафлама, тўлиқ ва холис кўриб чиқишига асосланган ўз ички ишончи бўйича баҳо беради. Ҳар бир далил алоқадорлик, мақбуллик ва ишончлилик нуқтаи назаридан, далилларнинг мажмуи эса, етарлилик нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим. Агар текшириш натижасида далилнинг ҳақиқатга тўғри келиши аниқланса, у ишончли деб топилади. Ҳеч бир далил суд учун олдиндан белгилаб қўйилган кучга эга эмас.

Бироқ аксарият судлар томонидан қарз, зарар ундириш ва мажбурият билан боғлиқ низоларни ҳал этишда, такдим этилган далилларни алоқадорлик, мақбуллик ва ишончлилик нуқтаи назардан баҳо бермаган ҳолда даъвони қаноатлантирган.

Олий суд Пленумининг 1991 йил 20 деқабрдаги "Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 5-сонли қарори 10-бандига биноан, судлар мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлганлик фактини белгилашда Фуқаролик кодексининг (бундан бўён матнда ФК деб юритилади) 1139, 1141-моддалари ва Олий суд Плену-

мининг 2011 йил 20 июлдаги "Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг кўлланилиши тўғрисида"ги 05-сонли қарори 16-17-бандларида баён қилинган меҳнатга қобилиятсиз бокимларининг уч тоифаси юзасидан тушунтириш берилган бўлса-да, мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлганлик фактини белгилаш ҳақида ги даъволарнинг қонуний ечими юзасидан турли хил бир-бирига қарама-қарши амалиёт мавжуд (Хоразм вилоят суди).

Судлов ҳайъати томонидан:

"Фуқаролик ишлари бўйича республика судлари томонидан 2019 йил давомида мулк ҳуқуқи билан боғлиқ (Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 187-моддаси) фуқаролик ишларини кўриш бўйича суд амалиёти";

"Фуқаролик ишлари бўйича республика судлари томонидан 2019 йил давомида қарз ундириш билан боғлиқ фуқаролик ишларини кўриш бўйича суд амалиёти";

"2019 йил ва 2020 йилнинг биринчи яримда ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга компенсация бериш тартиби билан боғлиқ фуқаролик ишларини кўриш бўйича суд амалиёти";

"2019 йил ва 2020 йил 9 ойи давомида

реабилитация билан боғлиқ ишга тиклаш, иш ҳақи, моддий ва маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги фуқаролик ишлари бўйича суд амалиёти" умумлаштирилиб, уларнинг натижалари юзасидан Олий суд Раёсатининг тегишли қарорлари қабул қилинган.

Шунингдек, судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг январь-март, апрель-июнь ва июль-сентябрь ойларида назорат тартибida кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорлари Олий суд Раёсатида муҳокама қилинган ва тегишли қарорлар қабул қилинган.

Бундан ташқари судлов ҳайъати томонидан "Фуқаролик ишлари бўйича суд амалиёти" амалий кўлланмаси ишлаб чиқилиб, нашр қилишни йўлга қўйиш тўғрисида Олий суд Раёсати томонидан қарор қабул қилинган.

Суд амалиёти обзори натижалариiga кўра, биринчи, апелляция (кассация) инстанцияси судлари томонидан айрим ишларни кўришда бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганлигини кўриш мумкин.

1. Мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлганлик факти қонуний асослар вужудга келган ва мавжуд бўлган ҳолдагина белгиланиши лозим.

Даъвогар Э. жавобгарлар М. ва бошқаларга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда ўзини 1991 йилдан 2004 йилга қадар марҳум А.нинг қарамоғида бўлганлиги фактини белгилашни сўраган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 17 декабрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро судининг 2019 йил 5 ноябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво қаноатлантирилиб, даъвогар Э. 1991 йилдан 2004 йилга қадар 2012 йил 9 январда вафот этган марҳум А.нинг қарамоғида бўлганлиги факти белгиланган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 23 октябрдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Аниқланишича, фуқаро Д. ва жавобгар Б. 1984 йил 28 декабрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришган ва турмушидан уч нафар, яъни 1986 йил 19 январда туғилган даъвогар Э. исмли фарзандли бўлишган.

Эр хотин Д. ва Б. 1989 йил 25 декабрда суднинг ҳал қилув қарори билан никоҳдан ажратилган.

Шундан сўнг жавобгар Б. фуқаро А. билан 1991 йилда турмуш қуриб, никоҳлари 1994 йил 19 декабрда қонуний қайд этилган.

Фуқаро А. 2012 йил 9 январда вафот этган.

Туман ҳокимининг 2017 йил 30 сентябрдаги қарори билан низоли уйжойга нисбатан марҳум А.га эгалик ҳуқуқи берилган.

2019 йил 20 марта нотариал тартибда берилган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага асосан марҳум А.га тегишли низоли уй-

жойга нисбатан унинг қизи жавобгар С. меросхўрлиги тасдиқланган.

Даъвогар Э. ва қолган меросхўрлар ўртасида марҳум А.дан қолган уй-жойга нисбатан мерос доирасида низо вужудга келиб, даъвогар Э. мерос олиш мақсадида қарамоғида бўлганлик фактини белгилаш учун судга мурожаат этган.

Судлар даъвони қаноатлантирища даъвогар Э. 18 ёшга тўлгунча, яъни 2004 йилга қадар марҳум А. билан бирга яшаганлигини асос қилган.

Олий суд Пленумининг 1991 йил 20 декабрдаги "Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 5-сонли қарори 10-бандига кўра, судлар мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлганлик фактини белгилашда Фуқаролик кодексининг 1139, 1141-моддалари ва Олий суд Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги "Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида"ги 05-сонли қарори 16, 17-бандларида баён қилинган меҳнатга қобилиятызиз боқимларининг уч тоифаси юзасидан берилган тушунтиришларга амал қилишлари лозимлиги кўрсатилган.

Аммо судлар мерос очилган вақтда (2012 йил 9 январь) даъвогар Э. мерос қолдирувчи марҳум А. билан бирга вафотига қадар у билан бирга яшамаганлиги ва бу вақтда даъвогар Э. деярли 26 ёшда бўлганлиги, шунингдек, у биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногирони бўлмаганлиги, қарамоғида бўлганлик фактини белгилаш учун қонунда белгиланган учта юридик элементнинг ҳеч бири мавжуд эмаслигини инобатга олмасдан даъвони қаноатлантириш ҳақида нотўри холосага келган.

12-2051-20-сонли иш

2. Зарарни тўлаш мажбурияти ошиқча хавф манбаига мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқарув ҳуқуқи ёхуд бошқа ҳар қандай қонуний асосда (мулкий ижара шартномаси, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берадиган ишончнома, тегишли органнинг унга ортиқча хавф манбани топшириш тўғрисидаги фармойишига кўра ва ҳоказо) эгалик қилувчи юридик шахс ёки фуқарога юкландади. Ошиқча хавф манбай эгаси учинчи шахсларга етказилган зарар учун солидар жавобгар бўлади.

Даъвогар Л. жавобгарлар "Шердор" МЧЖ, "Дониёр" МЧЖ ва фуқаро У.га нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда жавобгарлардан 300 000 000 сўм маънавий зарар ундириб беришни сўраган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 20 октябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро судининг 2020 йил 3 сентябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгар "Дониёр" МЧЖдан даъвогар Л.нинг фойдасига 70 000 000 сўм маънавий зарар ва давлат фойдасига 446 000 сўм давлат божи ундирилиши белгиланган, даъвонинг қолган жавобгарларга оид қисми рад қилинган.

Қўйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 21 декабрдаги ажрими билан суд қарорлари ўзгартирилиб, жавобгарлар У. ва "Дониёр" МЧЖдан солидар тартибда даъвогар Л.нинг фойдасига 70 000 000 сўм маънавий зарар ва 446 000 сўм давлат божи ундирилиши белгиланган.

Аниқланишича, "Шердор" МЧЖ ўзига тегишли бўлган "Газ 330200" русумли юк автомашинасини 2019 йил 8 августда ижара шартномаси билан бир йил муддатга нотариал расмийлаштирилган тарзда "До-

ниёр" МЧЖга ижарага берган.

Ўз навбатида, "Дониёр" МЧЖ 2019 йил 1 октябрда буйруқ асосида жавобгар У.ни автомашина ҳайдовчиси вазифасига ишга қабул қилган.

Ижара шартномасида "Дониёр" МЧЖга ФКнинг 113-128, 564-572, 985-1004-моддалари тушунтирилганлиги баён этилган.

Жавобгар У. 2019 йил 6 ноябрь куни соат 23:30 ларда "Дониёр" МЧЖ номидан берилган йўл варақаси асосида ўзига бириткирилган "Газ-330200" русумли юк автомашинасини маст ҳолатда бошқариб кетаётган вақтда даъвогар Л.нинг турмуш ўртоғи Д.ни уриб юборган ва Д. олган тан жароҳати натижасида воқеа жойида вадфот этган.

Ушбу ҳаракатлари учун жавобгар У. суднинг 2020 йил 19 февралдаги ҳукми билан Жиноят кодексининг 266-моддаси иккинчи қисми билан айбдор деб топилган ва унга тегишли жазо тайинланган.

Бироқ судлар файриқонуний хатти-ҳаракати суд ҳукми билан тасдиқланган ҳайдовчи У. ҳам солидар жавобгар бўлиши лозимлигини инобатга олмасдан фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик чорасини "Дониёр" МЧЖга қўллаган ҳолда барваҳт хуносага келган.

12-421-20-сонли иш

3. Ишдан ўз ихтиёрига кўра, озод этилган шахсга нисбатан реабилитация оқибати қўлланилиши мумкин эмас.

Даъвогар А. жавобгарлар Ички ишлар вазирлиги ва бошқаларга нисбатан судга мурожаат қилиб, унда ишга тиклаш, мажбурий прогул вақти учун иш ҳақи ҳамда файриқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортилганлиги оқибатида етказилган маънавий зиёнларни ундиришни сўрган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 8 сентябрдаги ажрими билан

ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро судининг 2020 йил 6 июлдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво қисман қаноатлантирилиб, ИИБнинг 2013 йил 16 февралдаги буйруғи файриқонуний деб топилиб, даъвогар А. 2013 йил 7 февралдан илгари эгаллаб турган (шаҳар қўриқлаш бўлимининг техника бўйича ўринбосари) лавозими ёки унга тенгглаштирилган лавозимга ишга тикланиши белгиланган.

Кўйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 17 декабрдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Аниқланишича, даъвогар А. 2005 йилнинг июль ойидан 2013 йилнинг февраль ойига қадар вилоят ИИБ ЖҚБда турли лавозимларда ишлаб келиб, сўнгра Кўриқлаш бошқармасига ўтказилган.

Даъвогар А. 2013 йил 7 февралда оиласий шароити ва хизматдан ўз хоҳишига кўра, бўшатишни сўраб берган билдиригисига асосан, вилоят ИИБ бошлиғининг 2013 йил 16 февралдаги буйруғи билан хизматдан қуролли кучлар резервига бўшатилган.

Айни вақтда А. суднинг 2013 йил 26 мартағи ажримиға кўра, жиноий жавобгарликка тортилган ва у амнистия актига асосан жазодан озод этилган.

Вилоят прокуратураси терговчисининг

12-1555-20-сонли иш

4. Моддий ҳуқуқ нормасини нотўғри талқин этиш суд қарорларини бекор қилишга асос бўлади.

Даъвогар Ш. жавобгар Ж.га нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда вояга етмаган фарзандлари билан уй-жойга киритиб кўйиши сўраган.

Апелляция инстанциясининг 2020 йил 15 июлдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро суднинг 2020 йил 13 январдаги ҳал қилув қарорига кўра, Ш.нинг уйга киритиш ҳақидаги даъво талаби қаноатлантирилиб, даъвогар Ш.ни икки нафар вояга етмаган фарзандлари билан низоли уй-жойга яшаш ва фойдаланиш ҳуқуқи билан киритиш белгиланган.

Кўйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 4 декабрдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Аниқланишича, даъвогар Ш. ва жавобгар Ж. 2013 йил 20 февралда қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қуришган ва турмушидан 2014 йилда туғилган М. ҳамда 2018 йилда туғилган С. исмли фарзандлари бор.

Низоли уй-жой 2014 йил 29 декабрда нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига асосан фуқаро М. га тегишли бўлган.

2019 йил 14 ноябрдаги қарори билан А. Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси 2-бандига асосан реабилитация қилинган.

Судлар даъвони қаноатлантиришда даъвогар А. реабилитация қилинганлигини асос қилган.

Аммо судлар даъвогар А. хизматдан жиноий жавобгарликка тортилганлиги учун эмас, балки ўз хоҳишига кўра, берган билдиригисига асосан бўшатилганлиги боис Жиноят процессуал кодексининг 310-моддаси талабларини қўллаб бўлмаслигини инобатга олмасдан ҳамда А. буйруқ билан танишган вақтдан бошлаб бойлик маҳсус даъво муддатини ўтказиб юбориб, судга мурожаат этган бўлса-да, даъво муддатини қўллаш ҳақидаги аризани муҳокама қилишда қонун нормасини нотўғри талқин этиб, хатоликка йўл қўйган.

Даъвогар Ш. (паспорт рўйхатидан ўтмаган ҳолда) турмуш ўртоғи Ж. ва вояга етмаган фарзандлари билан қайнукаси М. га тегишли мазкур хонадонда 2019 йил июль оигача яшаб келган ва ўзаро оиласий келишмовчиликлар сабабли ота-онасининг уйига чиқиб кетган.

Фуқаро М. 2019 йил 19 июля нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига кўра, низоли хонадонни жавобгар Д.га сотган ва мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган.

Янги мулқдор Д. жавобгар Ж. билан ўзаро қариндошлиқ алоқалари мавжуд эмас ва фуқаро Д. уйни эълон асосида сотиб олиб, унда оила аъзолари билан бирга яшаб келган.

Судлар даъвони қаноатлантиришда даъвогар Ш. уй-жой мулқдори Д. нинг оила аъзоси ҳисобланмаслиги, мулқдор билан ўрталарида келишув мавжуд эмаслиги, мулқдор билан умумий рўзгор юритмаганлиги ва паспорт рўйхатидан ўтмаганлиги ҳуқуқий баҳо бермасдан, Уй-жой кодексининг 32-моддасини кенгайтирилган ҳолда талқин этиб, хатоликка йўл қўйган.

12-1495-20-сонли иш

5. Судлар ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинишининг қонунийлигини буйруқда кўрсатилган асослар бўйича текшириши лозим, меҳнат муносабатининг бекор қилинишини суд бошқа асосда кўришга ҳақли эмас.

Даъвогар Ў. жавобгар вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда буйруқни бекор қилиш, ишга тиклаш ва мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ундириши ни сўраган.

Апелляция инстанциясининг 2020 йил 24 февралдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро судининг 2019 йил 18 декабрдаги ҳал қилув қарорига кўра, Ў.нинг даъво талаблари рад этилган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 5 ноябрдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қарори қабул қилинган.

Аниқланишича, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2017 йил 2 сентябрдаги буйруғига асосан даъвогар Ў. вилоят юқумли касалликлар шифохонаси бош врачи лавозимига уч ой синов муддати билан ишга қабул қилинган.

Даъвогар Ў.га раҳбарлик фаолияти давомида Соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил 29 майдаги буйруғи билан олий малака даражаси берилган.

Аммо вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2019 йил 10 октябрдаги буйруғи асосида даъвогар Ў. билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг (бундан бўён матнда МК деб юритилади) 100-моддаси иккинчи қисми 2-бандига (ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги) биноан, 2019 йил 11 октябрдан бекор қилинган.

Бунга ишчи гурӯҳ хulosаси, огохлантириш хоти ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ро-

зилик хатлари асос қилинган. Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ишчи гурӯҳи томонидан тузилган маълумотномада, даъвогар Ў. раҳбарлик қилган шифохонанинг моддий-техника базаси етарли даражада эмаслиги, айрим туман тибиёт бирлашмалар маҳсус тиббий ускуналар билан таъминланмаганлиги, лабораториялар моддий-техник базаси ривожлантирилмаганлиги, кадрлар салоҳияти етарли даражада эмаслиги, муассасада айрим ҳужжатлар юритилмаганлиги кўрсатилган ҳамда ушбу аниқланган ҳолатлар негизида даъвогар Ў.нинг малака ва тажрибаси етарли эмаслиги хulosса қилинган ва у эгаллаб турган лавозимига нолойиқ деб топилган.

Маълумотномада кўрсатилган ҳолатлар даъвогар Ў.нинг бевосита касбий ёки раҳбарлик малака даражасига эмас, балки моддий таъминот ва кадрлар салоҳияти билан боғлиқ бўлган ташкилий тизимли камчиликлардан иборат бўлиб, ушбу ҳолатни ходимни малакаси етарли эмас, деб таснифлашга асос бўлмайди.

МКнинг 100-моддаси биринчи қисми 2-бандига кўра, ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра, бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши меҳнат шартномасини бекор қилишининг асосли эканлигини билдиради.

Бироқ судлар иш берувчи томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишининг буйруқда келтириб ўтган асосининг қонунийлиги исботланмаганлигини инобатга олмасдан, даъвони рад қилиш ҳақида нотўғри хulosага келган.

12-1013-20-сонли иш

6. Ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда, унинг пул тўловларини ундириш ҳақида талаби, жамоа келишуви, жамоа шартномаларида кўзда тутилган бўлса, қаноатлантирилиши лозим.

Даъвогар Ф. жавобгар "Ўзпахтасаноат" АЖга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда жавобгардан 2019 йил якуни ва янги йил байрами учун мукофот пулларини ундириб бериш, ушбу тўловларни қайта якуний ҳисоб-китоб қилган ҳолда фарқини тўлаб бериш мажбуриятини юклashi ни сўраган.

Апелляция инстанциясининг 2020 йил 23 октябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро судининг 2020 йил 14 августдаги ҳал қилув қарори билан Ф.нинг даъво талаблари рад этилган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 16 декабрдаги ажрими билан суд

қарорларининг мукофот пулларини ундиришга оид қисми бекор қилинган ва шу қисми бўйича даъвони қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Унга кўра, "Ўзпахтасаноат" АЖдан даъвогар Ф.га 2019 йил якуни бўйича 46 636 983,50 сўм, янги йил байрами муносабати билан 6 633 046,50 сўм мукофот пуллари ундириш белгиланиб, суд ҳужжатларининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, даъвогар "Ўзпахтасаноат" АЖда 2015 йилдан бошлаб ишлаб келиб, 2019 йил 30 январдан АЖнинг кадрлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари лавозимига ўтказилган.

"Ўзпахтасаноат" АЖнинг 2019 йил 15 ноябрдаги буйруғига асосан Ф. билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган ва ушбу буйруқ туманлараро судининг 2020 йил 29 январдаги ҳал қилув қарори билан бекор қилиниб, Ф. ушбу санадан лавозимига ишга қайта тикланган.

2020 йил 22 апрелда "Ўзпахтасаноат" АЖнинг буйруғига асосан Ф. билан тузилган меҳнат шартномаси МКнинг 100-моддаси иккинчи қисми 1-бандинга (корхонанинг тутатилганлиги) биноан шу кундан бекор қилинган.

"Ўзпахтасаноат" АЖнинг "Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, уларни рафбатлантириш, қўшимча тўловларни белгилаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 2-бандинга кўра, хо-

димларнинг жами иш ҳақи таркибига лавозим маоши, лавозим маошига устама ҳақи, чорак якунлари бўйича мукофот, йил якунлари бўйича рафбатлантириш, моддий рафбатлантириш, моддий ёрдам кўрсатиш киради.

Низомнинг 13-бандида байрам кунлари, жумладан, янги йил байрами арафасида бошқарув раисининг буйруғи билан лавозим маошининг икки бараваригача миқдорда мукофот пули тўланиши кўрсатилган.

"Ўзпахтасаноат" АЖнинг 2019 йил 20 дебрабрда янги йил байрами муносабати билан, 2019 йил 30 декабрда эса, 2019 йил якуни бўйича рафбатлантириш ҳақида бўйруклар чиқариб, унда АЖ марказий аппаратининг барча бошқарув ва техник ходимлари лавозим окладига қараб пул мукофоти билан рафбатлантирилган.

Бироқ судлар гарчи даъвогар Ф. рафбатлантириш ҳақида бўйруклар чиқарилган вақтда у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган ва шу боис буйруқда у кўрсатилмаган бўлса-да, Ф. яна қайтадан ушбу лавозимга тикланганлиги, бундай ҳолатда унинг иш фаолияти 2019 йил учун давомийлиги сақланганлиги ва шу боисдан иш берувчининг Ф. га нисбатан моддий рафбатлантириш мажбурияти сақланишига эътибор қаратмасдан, даъвони рад қилиш ҳақида но тўғри холосага келган.

12-1958-20-сонли иш

7. Суд тарафларнинг битим тузганлиги, мазмуни ва бажарилганлигини муҳокама қилишда, ҳар бир далилни алоқадорлик, мақбуллик ва ишончлилик нуқтаи назаридан баҳолаши лозим.

Даъвогар К. жавобгарлар А. ва М.га нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда жавобгарлар А. ва М.дан 107 000 000 сўм моддий заарарни ундириб беришни сўраган.

Туманлараро судининг 2019 йил 17 июлдаги ҳал қилув қарори билан К.нинг даъвоси рад қилинган.

Апелляция инстанциясининг 2019 йил 10 сентябрдаги ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш юзасидан К.нинг даъвосини қисман қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилиниб, жавобгар М.дан даъвогар К.нинг фойдасига 74 214 190 сўм ундириш белгиланган.

Куйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг

2020 йил 14 декабрдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, даъвогар К. туман прокуратурасига мурожаат қилиб, унда жавобгар М. билан келишган ҳолда 2015 йилдан бошлаб шерикчилик асосида қизилмия ўсимлигини йиғиш ва етказиб бериш билан шуғулланиб келиб, бунинг учун жавобгар М.нинг куёви А.дан жами 180 000 000 сўм олишганлигини, ушбу қарзни ўзи тўлаб берганлигини кўрсатиб, туман ИИБ ходими Р. исмли шахс ва жавобгар А.дан 17 400 000 сўм ундириб беришни сўраган.

Ариза юзасидан туман ИИБда суриштирув ишлари олиб борилиб, профилактика

инспекторининг 2019 йил 28 февралдаги қарори билан жавобгар А. ва бошқаларнинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги сабабли Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси 2-бандинга биноан жиноят иши қўзғатиш рад қилинган ва даъвогар К.га судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Даъвогар К. ўз талабига туман ИИБда юритилган суриштирув ҳужжатлари, яъни ўзи, жавобгарларнинг тушунтириш хатлари, жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақидаги тергов органи қарорини далил сифатида келтириб, ўз важларини тасдиқловчи, хусусан, жавобгарлар А. ва М. билан ўрталарида фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятларни белгиловчи шартнома, тилхат ёки жавобгарлар ундан қарздор эканлигини тасдиқловчи, айни вақтда иш учун исбот-

лаш воситаси бўладиган ишончли ва мақбул далилларни судларга тақдим қилмаган.

Бундан ташқари жавобгарлар А. ва М. суриштирув жараёнида берган тушунтириш хатларида, улар даъвогар К.дан қарздор эканлиги ёки ундан пул мажбурияти борлигини баён этишмаган.

Биринчи инстанция суди ФПКнинг 72-моддасига асосланиб, даъвогар К. ўз важларини асословчи мақбул ва ишончли далилларни тақдим этмаганлигини эътиборга олиб, даъвони рад қилиш ҳақида қонуний ва асосли тўхтамга келган, апелляция инстанцияси эса, жавобгарлар даъвони тан олмаган бўлса-да, фақатгина даъвогарнинг тушунтиришига асосланиб, даъвони қаноатлантириш ҳақида нотўри хulosага келган.

12-3662-19-сонли иш

8. Даъвогар ўзининг талабларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт.

Даъвогар М. жавобгар Л.га нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда ўй-жойнинг ўзига тегишли бўлган қисмининг бузиб ташланган қисми учун 39 297 768 сўм моддий зарарни ундириб беришни сўраган.

Апелляция инстанциясининг 2020 йил 12 июнданги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро судининг 2020 йил 27 февралдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво қаноатлантирилиб, жавобгар Л.дан даъвогар М.нинг фойдасига бузилган уйнинг қиймати учун 39 297 768 сўм ундириш белгиланган.

Куйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 6 октябрдаги ажрими билан суд ҳужжатлари бекор қилиниб, даъвони рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Аниқланишича, низоли ўй-жойнинг (0012-литерли) равон, (0013-литерли) яшаш хонаси ва (0014-литерли) равон қисмлари 1981 йил 6 февралда нотариал тасдиқланган ҳадя шартномасига асосан даъвогар М.га тегишли бўлган.

Тарафлар М. ва Л. эр хотин бўлиб, низоли ўй-жойнинг юқорида қайд этилган 0012, 0013 ва 0014-литери ҳамда 0001 ва 0005-литерли қисмлари апелляция инстанциясининг 2017 йил 28 ноябрдаги ажрими билан уларнинг умумий мулки деб топилган.

Ушбу суд ҳужжати билан кадастр ҳужжатларида низоли ўй-жой 1965 йилда қурилганлиги аниқланган ва исботланган.

Даъвогар М. важларида низоли ўй-жойнинг ҳадя шартномасига кўра, ўзига тегишли бўлган қисмини жавобгар бузиб ташлаганлиги важ қилган.

Шунга кўра, М.нинг аризаси асосида ИИБда олиб борилган суриштирув ишлари давомида жавобгар Л. нинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжуд эмаслиги боис 2018 йил 13 сентябрдаги қарор билан жиноят иши қўзғатиш рад қилинган.

Фуқаролик кодексининг 175-моддасига кўра, мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки бузилиш хавфи, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулк эгасининг зиммасидадир.

Судлар ўй-жой бузилиб кетилиши жавобгар Л.га алокадор эмаслиги ИИБ қарори ва МФЙнинг 2020 йил 14 майдаги далолатномаси билан тасдиқланса-да, Фуқаролик процессуал кодексининг 72-моддасида белгиланган тараф сифатида даъвогарга юклатилган даъво талабининг исботлаш мажбуриятини жавобгарга ю клаган ҳолда процессуал ҳуқуқ нормасини нотўри талқин этиб, хатоликка йўл қўйган.

12-1175-20-сонли иш



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ
К А Р О Р И

№2/2021

2021 йил 28 январь

№ РС-04-21

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-хуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2020 йилнинг биринчи ва иккинчи ярмига мўлжалланган иш режалари, дастурлар ва йўл хариталарида белгилangan вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилда 4074 та (2020 йилнинг тўртинчи чорагида 1343 та) келиб тушган шикоят ва протестлар ўрганилган. Ўрганилган шикоятларнинг 708 таси (2020 йилнинг тўртинчи чорагида 264 таси) қайтарилган, 221 тасини (91 тасини) қабул қилиш рад этилган, 1239 тасини (419 таси-

ни) судлов ҳайъатига ўтказиш рад қилинган, 647 таси (241 таси) бўйича тушунтиришлар берилган, 169 таси (60 таси) тегишлиги бўйича юборилган, 517 таси (157 таси) бўйича Олий суд раисининг ўринbosarlari томонидан рад жавоби берилган, 12 та иш назорат тартибида киритилган протестларга асосан Олий суд Раёсатида кўрилган.

Шунингдек, назорат тартибидаги шикоят ва протестлар бўйича 561 та (111 та) иш судлов ҳайъатида кўриб чиқилган. Мазкур ишларнинг 413 тасини (84 тасини) оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқсан низолар, 148 тасини (27 тасини) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ташкил этган.

Судлов ҳайъати томонидан 2020 йилда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриш натижалари бўйича 2 та тақдимнома, оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича кўрилган 6 та иш бўйича хусусий ажримлар чиқарилган.

Ишларни биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда қуидаги хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги сабабли, назорат инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ва бекор қилинган:

ишларни кўришда судга мурожаат қилиш муддати ўтган бўлса-да, муддат ўтганлиги сабаблари текширилмасдан, ишни кўриб чиқиш ва арз қилинган талабни қаноатлантириш;

маъмурий органнинг низолашилаётган қарори судга мурожаат қилган аризачининг хуқуқлари ва манфаатларига қай даражада таъсир қилаётганлиги тегишли тартибда ўрганилмасдан, арз қилинган талабни қаноатлантириш;

аризадаги талабларни тўлиқ муҳокама қилмаслик;

адвокатнинг уни ҳимояси остидаги шахс манфаатлари билан боғлиқ қонун ҳужжатларига мувофиқ сўровига асосан прокуратура органининг масъул ходими томонидан ҳужжатлар тақдим этилмаганлиги учун, адвокатнинг прокуратура ходимига нисбатан маъмурий жавобгарлик масаласини ҳал этиш тўғрисидаги аризаси биринчи инстанция суди томонидан иш юритишга қабул қилиниб кўриб чиқилиши лозим бўлса-да, судлар томонидан аризани асосиз қайтариш;

қонун ҳужжатларида ва ташкилотларнинг ички меъёрий ҳужжатларида бажарилиши мажбурий қилиб белгиланмаган талабларга асосланиб шахсни Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 54-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик бўйича жавобгарликка тортиш;

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддаси биринчи қисми 2-бандида ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи ер участкаси берилган муддат тугаганда бекор қилиниши белгиланганлигидан келиб чиқиб, туман ҳокимлиги томонидан ер участкасини ижарага бериш муддати тугаганлиги учун ер участкаси ҳоким қарори билан бошقا шахсга берилган бўлса-да, туман ҳокимли-

ги ер участкасини туман ер захирасига олмасдан туриб, уни бошقا шахсга бериб юборганлиги асоси билан туман ҳокимининг низоли қарорини асосиз равиша ҳақиқий эмас деб топиш;

кассация шикояти беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш тўғрисидаги илтимосномада муддатни ўтказиб юборишнинг узрли сабаблари қўрсатилган бўлса-да, айрим судлар томонидан асосиз равиша илтимосномани қаноатлантириши рад этиш.

Назорат инстанцияси судида қуи инстанция судлари қарорларини қайта кўриш ва уларнинг қонунийлигини текшириш жараёнида бирон-бир маъмурий суднинг ишларни кўриш ва суд қарорларини тайёрлаш билан боғлиқ ижобий баҳоланадиган ва бундай ижобий тажрибани оммалаштирадиган фаолияти аниқланмади.

Судьялар одил судловни амалга оширишда ишларни ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, моддий ва процесуал ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилишини, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини, қонун устуворлигини, қонунийликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олди олинишини, айб учун жавобгарликнинг муқаррарлигини, қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабати шакланишини таъминлаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўрттинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорини муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ти Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ, Олий суд Раёсати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўрттинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

- "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси" ҳамда "Куч адолатда" газетасининг бирлашган таҳририяти (Ш. Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Жамоатчилик ва оммавий ахборот

воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) суд амалиёти обзорини Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси, "Одил судлов" — "Правосудие" журнали ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов хайъати (Ф.Турсунов) ҳамда вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар раисла-ри зиммасига:

суд амалиёти обзорини вилоят ва туманлараро судларининг ҳар бир судьяси-га реестр орқали етказилишини таъминлаш;

суд амалиёти обзорини барча судья-

лар иштирокида ўрганиш мақсадида 2021 йил февраль ойида видеоконференцалоқа режимида семинар машғулотини ўтказиш;

бажарилган ишлар ҳақидаги батафсил ахборотни Олий суднинг Пленуми ва Раёсати котибиятига электрон шаклда 2021 йил 1 мартаға қадар тақдим этиш юклансин.

4. Ушбу қарор вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларга, туманлараро судларига амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилаётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари — маъмурий ишлар бўйича судлов хайъатининг раиси Р.Махмудова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси**

К. КАМИЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-хуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органлариiga ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2020 йилнинг биринчи ва иккинчи ярмига мўлжалланган иш режалари, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқда-ки, Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилда 4074 та (2020 йилнинг тўртинчи чорагида 1343 та) келиб тушган шикоят ва протестлар ўрганилган. Ўрганилган шикоятларнинг 708 таси (264 таси) қайтарилган, 221 тасини (91 тасини) қабул қилиш рад этилган, 1239 тасини (419 тасини) судлов ҳайъатига ўтказиш рад қилинган, 647 таси (241 таси) бўйича тушунтиришлар берилган, 169 таси (60 таси) тегишлилиги бўйича юборилган, 517 таси (157 таси) бўйича Олий суд раисининг ўринbosарлари томонидан рад жавоби берилган, 12 та иш назорат тартибида киритилган протестларга асосан Олий суд Раёсатида кўрилган.

Шунингдек, назорат тартибидаги шикоят ва протестлар бўйича 561 та (111 та) иш

судлов ҳайъатида кўриб чиқилган. Мазкур ишларнинг 413 тасини (84 тасини) оммавий хуқуқий муносабатлардан келиб чиқкан низолар, 148 тасини (27 тасини) маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ташкил этган.

Статистик таҳлиллар орқали Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг (бундан буён матнда МСИЮтК деб юритилади) 2-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг (бундан буён матнда МЖтК деб юритилади) 7-моддасида белгиланган суд ишларини юритиш мақсади ва вазифаларига куйи судлар томонидан қанчалик даражада эришилганлигини баҳолаш мумкин.

Судлов ҳайъати томонидан оммавий хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича 2020 йилда кўрилган 413 та (84 та) ишнинг:

151 таси (24 таси) бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган;

55 таси (4 таси) бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, ишлар янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган;

34 таси (9 таси) бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, 26 та (5 та) иш янгидан кўриш учун кассация инстанцияси судига, 8 та (4 та) иш янгидан кўриш учун апелляция инстанцияси судига юборилган;

10 таси (3 таси) бўйича суд қарорлари ўзгартирилган;

106 таси (29 таси) бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, янги қарор қабул қилинган;

21 таси (7 таси) бўйича иш юритиш тугатилган;

1 таси бўйича суд қарори бекор қилиниб, шикоят кўрмасдан қолдирилган;

35 таси (8 таси) бўйича апелляция (кассация) инстанцияси судининг қарорлари

бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг қарорлари ўз кучида қолдирилган.

Судлов ҳайъати томонидан кўрилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида 2020 йилда кўрилган 148 та (27 та) ишнинг:

37 таси (8 таси) бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган;

39 таси (6 таси) бўйича суд қарори бекор қилиниб, ишлар янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган;

11 таси (1 таси) бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, янгидан кўриш учун кассация инстанцияси судига юборилган;

35 таси (4 таси) бўйича суд қарорлари ўзгартирилган;

22 таси (6 таси) бўйича иш юритиш тугатилган;

1 таси бўйича суд қарори бекор қилиниб, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш суриштирув органига юборилган;

3 таси (2 таси) бўйича кассация инстанцияси судининг қарори бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг қарори ўз кучида қолдирилган.

Судлов ҳайъатида 2020 йилда кўриб чиқилган ишларнинг 97 тасини (16 тасини) Тошкент шаҳар, 76 тасини (16 тасини) Тошкент вилояти, 67 тасини (22 тасини) Хоразм вилояти, 49 тасини (7 тасини) Фарғона вилояти, 42 тасини (7 тасини) Самарқанд вилояти, 35 тасини (6 тасини) Қашқадарё вилояти, 30 тасини (8 тасини) Жиззах вилояти, 28 тасини (1 тасини) Сурхондарё вилояти, 23 тасини Андижон вилояти, 26 тасини (4 тасини) Навоий вилояти, 26 тасини (6 тасини) Бухоро вилояти, 26 тасини (7 тасини) Наманган вилояти, 19 тасини (5 тасини) Сирдарё вилояти, 15 тасини (6 тасини) Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судларида, 2 тасини ҳарбий судларда кўрилган ишлар ташкил этган.

Судлов ҳайъатида назорат тартибида кўрилган:

Қашқадарё вилояти маъмурий судларининг 85,7 фоиз (35 та иш кўрилган, шундан 2 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 28 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Андижон вилояти маъмурий судларининг 78,3 фоиз (23 та иш кўрилган, шундан 2 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 16 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Тошкент вилояти маъмурий судларининг 76,3 фоиз (76 та иш кўрилган, шундан 11 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 47 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Тошкент шаҳри маъмурий судларининг 72,2 фоиз (97 та иш кўрилган, шундан 14 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 56 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Наманган вилояти маъмурий судларининг 69,2 фоиз (26 та иш кўрилган, шундан 1 та иш бўйича суд қарори ўзгартирилган ва 17 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Фарғона вилояти маъмурий судларининг 67,3 фоиз (49 та иш кўрилган, шундан 5 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 28 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Жиззах вилояти маъмурий судларининг 63,3 фоиз (30 та иш кўрилган, шундан 2 та иш бўйича суд қарори ўзгартирилган ва 17 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Самарқанд вилояти маъмурий судларининг 61,9 фоиз (42 та иш кўрилган, шундан 2 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 24 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судларининг 60,0 фоиз (15 та иш кўрилган, шундан 1 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 8 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Хоразм вилояти маъмурий судларининг 56,7 фоиз (67 та иш кўрилган, шундан 2 та иш бўйича суд қарори ўзгартирилган ва 36 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Бухоро вилояти маъмурий судларининг 53,8 фоиз (28 та иш кўрилган, шундан 14 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Сурхондарё вилояти маъмурий судларининг 53,8 фоиз (28 та иш кўрилган, шундан 15 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Навоий вилояти маъмурий судларининг 53,8 фоиз (26 та иш кўрилган, шундан 2 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 12 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Сирдарё вилояти маъмурий судларининг 52,6 фоиз (19 та иш кўрилган, шундан 1 та иш бўйича суд қарори ўзгартирилган ва 9 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

ҳарбий судларнинг 50,0 фоиз (2 та иш кўрилган, шундан 1 та иш бўйича суд қарори бекор қилинган) суд ҳужжатлари ўзгартирилган ва бекор қилинган.

Судлов ҳайъати томонидан 2020 йилда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриш натижалари бўйича 2 та тақдимнома чиқарилиб, улар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Ички ишлар вазирликларига, "Самарқанд худудий электр тармоқлари корхонаси" АЖга юборилган.

Шунингдек, оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича кўрилган 6 та иш бўйича хусусий ажримлар чиқарилиб, уларнинг 2 таси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига, 1 таси Сирдарё вилоят ҳокимлигига, 1 таси Қашқадарё вилоят ҳокимлигига ва 2 таси Хоразм вилоят маъмурий судига юборилган.

Ишларни биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўришда моддий ва процесуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда хатоликларга йўл қўйилганлиги сабабли, назорат инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ва бекор қилинган.

Жумладан, адвокатнинг уни ҳимояси остидаги шахс манфаатлари билан боғлиқ қонун ҳужжатларига мувофиқ сўровига асосан прокуратура органининг масъул ходими томонидан ҳужжатлар тақдим этилганлиги учун, адвокатнинг прокуратура ходимига нисбатан маъмурий жавобгарлик масаласини ҳал этиш тўғрисидаги аризаси биринчи инстанция суди томонидан иш юритишга қабул қилиниб кўриб чиқилиши лозим бўлса-да, судлар томонидан аризани асосиз қайтариш ҳолатлари мавжуд (Жиззах вилоят маъмурий суди).

Шунингдек, қуйи судлар МЖтК 134-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик бўйича ишни кўраётганида, экспертиза ташкилотининг хulosасида автомашиналар ўртасида тўқнашув содир этилганлигини истисно этувчи хulosа билдирилган бўлишига қарамасдан, шахсни ушбу модда би-

лан айбли деб топган (Тошкент шаҳар маъмурий суди).

Айрим судлар томонидан қонун ҳужжатларида ва ташкилотларнинг ички меъерий ҳужжатларида бажарилиши мажбурий қилиб белгиланмаган талабларга асосланиб шахсни МЖтКнинг 54-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик бўйича жавобгарликка тортиш ҳолатлари мавжуд (Қорақалпостон Республикаси маъмурий суди).

Ер кодексининг 36-моддаси биринчи қисми 2-бандида бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи ёхуд ундан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи ер участкаси берилган муддат тугаганда бекор қилиниши белгиланган.

Аммо ер участкасини ижарага бериш муддати тугаганлиги учун туман ҳокимлиги томонидан ер участкаси ҳоким қарори билан бошқа шахсга берилган бўлса-да, қуйи судлар туман ҳокимлиги ер участкасини туман ер захирасига олмасдан туриб, уни бошқа шахсга бериб юборганилиги асоси билан туман ҳокимининг низоли қарорини асосиз равишда ҳақиқий эмас деб топган (Тошкент вилоят маъмурий суди).

Шунингдек, МСИЮтКнинг 227-моддаси иккинчи қисмида кассация шикояти (протести) беришнинг ўтказиб юборилган муддати шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномаси бўйича кассация инстанцияси суди томонидан, агар илтимоснома ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичida берилган ва кассация шикоятини (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкинлиги белгиланган.

Бироқ кассация шикояти беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилиниб, муддатни ўтказиб юборишнинг узрли сабаблари кўрсатилган бўлса-да, айрим судлар томонидан муддатни ҳисоблашда хатоликларга йўл қўйилиб, яъни илтимоснома ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан олти ой ичida берилмаганилиги асоси билан уни қаноатлантириш рад этилган ҳолатлар учрамоқда (Қашқадарё вилоят маъмурий суди).

Судлов ҳайъати томонидан:

"Маъмурий судлар томонидан 2018-2019 йилларда мулк ҳуқуқи билан боғлиқ кўрилган маъмурий ишлар (оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқсан низолар) бўйича суд амалиёти";

"Маъмурий судлар томонидан 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг XXIV бобида (маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят бериш ва протест билдириш) назарда тутилган моддаларда белгиланган нормаларни амалиётда қўлланилиши билан боғлиқ суд амалиёти";

"Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилда назорат тартибида келиб тушган шикоятларни ўрганиш ва судлов ҳайъатига ўтказиш учун асослар мавжуд эмаслиги тўғрисида чиқарилган ажримлар самарадорлиги масаласи";

"Маъмурий суднинг қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти";

"Маъмурий судлар томонидан 2019 йил

ва 2020 йилнинг биринчи ярмида маъмурий суд ишларини юритишда дастлабки ҳимоя чораларини қўллаш амалиёти";

"Маъмурий суд ишларини юритишда аризани (шикоятни) иш юритишга қабул қилишни рад этиш ва аризани (шикоятни) қайтаришига доир суд амалиёти" умумлаштирилиб, уларнинг натижалари юзасидан Олий суд Раёсатининг тегишли қарорлари қабул қилинган.

Шунингдек, судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг январь-март, апрель-июнь ва июль-сентябрь ойларида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорлари тайёрланиб, Олий суд Раёсатида муҳокама қилинган ва тегишли қарорлар қабул қилинган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи, апелляция (кассация) инстанцияси судлари томонидан айрим ишларни кўришда МСИЮтК, МЖтК ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қиласлик ҳолатларига йўл қўйилаётганлигини кўриш мумкин.

I. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ОБЗОРИ

1. Адвокатнинг уни ҳимояси остидаги шахс манфаатлари билан боғлиқ қонун ҳужжатларига мувофик сўровига асосан прокуратура органлари унга тегишли аҳборот (ҳужжатлар)ни тақдим этиши керак. Акс ҳолда, бундай ҳаракат адвокатнинг профессионал фаолиятига тўскىнлик қилиш деб баҳоланиши ва МЖтКнинг 197¹-моддасига асосан жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин.

"Р" адвокатлик фирмаси адвокати Н.М. туман прокурорига адвокатлик ордерини илова қилган ҳолда 2020 йил 23 майдаги 111-сонли ариза билан мурожаат қилиб, фуқаро С.С. юзасидан тўплланган материал билан танишиб, нусхалар олишга рухсат беришни сўраган.

Туман прокурори Д.Д.нинг 2020 йил 7 июндаги 222-сонли жавоб хати билан адвокат Н.М.га ва мижози С.Т.га терговга қадар текшириш ҳужжатлари билан танишиб чиқишига ва ушбу ҳужжатлардан нусха олишга рухсат этилмаслиги маълум қилинган ҳамда ушбу жавоб хатидан норози бўлганда, юқори турувчи прокурорга шикоят қилишга ҳақли эканлиги тушунтирилган.

Шундан сўнг "Р" адвокатлик фирмаси ад-

вокати Н.М. 2020 йил 18 июлда вилоят прокурорига ва 2020 йил 28 июлда Фаллаорол тумани маъмурий судига мурожаат қилган.

"Р" адвокатлик фирмаси адвокати Н.М. суддан туман прокурори Д.Д.ни МЖтКнинг 197¹-моддасига асосан маъмурий жавобгарликка тортишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ажрими билан Д.Д.га оид маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш "Р" адвокатлик фирмаси адвокати Н.М.га қайтарилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судларининг қарорларини бекор қилиб, ишни мазмунан кўриш учун

биринчи инстанция судига юборган.

Судлов ҳайъати бундай хуносага келишда қуидагиларга асосланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг файриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

"Адвокатура тўғрисида"ги қонуннинг 10-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, адвокатнинг касбга оид ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати қонун билан қўриқланади. Адвокатларнинг касбий фаолиятига у ёки бу тарзда, бевосита ёки билвосита аралашиш, улар ўз касбий вазифаларини бажараётгандан олган муайян маълумотларни ошкор этишни талаб қилиш, шунингдек, адвокатлар бирлашмаларининг мансабдор шахсларидан ва техник ходимларидан худди шундай маълумотларни талаб қилиш тақиқланади. Адвокат ўз касбий вазифаларини бажараётганида унга бирор-бир шаклда таъсир ўтказишга йўл қўйилмайди.

МЖтКнинг 197¹-моддасида адвокат сўровига ахборотни (хужжатларни) тақдим этмаслиқда, ўз вақтида тақдим этмаслиқда ёхуд била туриб ёлғон ёки нотўғри ахборот (хужжатлар) тақдим этишда ифодалangan тарзда адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш, шунингдек, адвокатнинг ишда иштирок этишига тўсқинлик қилиш ёки унинг ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) манфаатларига зид бўлган вазиятни мажбуран эгаллашига эришиш мақсадида адвокатга қандай шаклда бўлмасин таъсир ўтказиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки барваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган.

МЖтКнинг 283-моддаси олтинчи қисмига мувофиқ, ушбу кодекснинг 197¹-моддасида назарда тутилган адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилинган тақдирда, адвокат маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузмасдан ўз аризасида ҳуқуқбузарнинг шахси тўғрисидаги маълумотларни, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойни, вақтни ва бу ҳуқуқбузарликнинг моҳиятини, шунингдек, ишни ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни кўрсатган ҳолда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

"Прокуратура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 49-моддасида прокурор, терговчи ва суринтирувчига нисбатан жиноят иши қўзғатиш ва дастлабки тергов ўтказиши прокуратура органларининг мутлақ ваколати ҳисобланиши, прокуратура органлари ходимларининг интизомий ножӯя хатти-ҳаракат учун жавобгарлиги масаласи юқори турувчи прокурор томонидан ҳал этилиши назарда тутилган. Бунда прокурорга нисбатан маъмурий иш қўзғатиш ва маъмурий жавобгарлиги масаласи прокурор томонидан ҳал этилиши назарда тутилмаган.

Шу сабабли, судлов ҳайъати биринчи инстанция суди қайд этилган қонун нормаларига риоя қилмасдан, ишни мазмунан кўрмаган ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материалини "Р" адвокатлик фирмаси адвокати Н.М.га асосиз равища қайтарган, кассация инстанцияси суди эса биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган хатоликларга эътибор бермасдан, биринчи инстанция судининг ажрими ни ўзгаришсиз қолдирган деб ҳисоблаган.

Судлов ҳайъатининг қарори Олий суд Раёсатининг қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган.

5-908-20-сонли иш

2. Шахснинг МЖтКнинг 241²-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлиги ўз тасдигини топмаса, унга оид юритилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш МЖтКнинг 271-моддаси 1-бандига асосан тугатилади.

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг худудий бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг буй-

руғига асосан ўрганиш ўтказилган. Унда Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг худудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш бошқарма-

си бошлиғи лавозимида ишлаган А.А. "В" АЖнинг мурожаати бўйича 2019 йил 23 октябрда "Д" МЧЖдан 222-сонли сўров хати билан жамиятнинг "ДС" шаклидаги товар ва хизмат кўрсатиш белгисига олган гувоҳномаси ёки Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига ариза билан мурожаат этилганлигини тасдиқловчи ва бошқа тегишли ҳужжатларни сўраб текширув ўтказганлиги ҳамда натижаси бўйича ариза муаллифига "Д" МЧЖ томонидан қонун ҳужжатлари бузилмаганилиги хақида жавоб берганлиги, шунингдек, у "К" МЧЖнинг мурожаати бўйича 2019 йил 22 декабрда "А" МЧЖ ва "Л" МЧЖдан 333-сонли сўров хати билан жамиятнинг патент гувоҳномаси, таъсис ҳужжатлари, бўйруқ, корхона гувоҳномаси ва бошқа ишга алоқадор ҳужжатларни сўраб олиб, текширув ўтказганлиги ҳамда текширув натижаси бўйича жавоб хати берилганлиги аниқланган ҳамда А.А. текширув ўтказишда амалдаги қонун талабларини бузган деб ҳисобланиб, 2020 йил 24 апрелда маъмурӣ ҳукуқбузарлик тўғрисидаги баённома расмийлаштирилган.

Биринчи инстанция судининг қарори билан ҳукуқбузар А.А. МЖТКнинг 241²-моддаси билан айбли деб топилиб, ушбу кодекснинг 33-моддаси қўлланилиб, унга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари миқдорида 1 115 000 сўм жарима солинган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судлари қарорларини бекор қилиб, А.А.га оид юритилган маъмурӣ ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишни МЖТКнинг 271-моддаси 1-бандига асосан туга-

тишни лозим топган.

Судлов ҳайъати бундай хulosага келишда қуйидагиларга асосланган:

Биринчидан, биринчи ва кассация инстанцияси судлари қайд этилган сўров хатлари А.А. томонидан эмас, балки Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш кўмитаси ҳудудий бошқармаси бошлигининг ўринбосари Р.Р. томонидан имзоланганлигига ва ушбу сўров хатларида ижрочи сифатида З.З. ва Э.Э. кўрсатилганлигига, корхона, ташкилот, муассасадан чиқсан хат ҳабарлар учун уни имзолаган мансабдор шахс жавобгар эканлигига эътибор бермаган;

Иккинчидан, "Рақобат тўғрисида"ги, "Истеъмолчиларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Табиий монополиялар тўғрисида"ги қонунларга мувофиқ монополияга қарши органнинг мансабдор шахслари рақобат, истеъмолчиларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳужжатларини, ахборотларини олиш ҳукуқига эга.

"Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг 24-моддасида мурожаатни тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқиш учун қўшимча маълумотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурат пайдо бўлган тақдирда, мазкур мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат органларидан, бошқа ташкилотлардан ва мансабдор шахслардан қўшимча ахборотни сўраб олиши мумкинлиги белгиланган.

3-1002-2003/1216-сонли иш

3. Биринчи ва кассация инстанцияси судлари ишни кўришда ва шахсни маъмурӣ ҳукуқбузарликни содир этганликда айбли деб топишда маъмурӣ ҳукуқбузарлик содир этилган ёки этилмаганилигини, ҳукуқбузарликни содир этганликда гумон қилинаётган шахс уни содир этишда айбордor ёки айбордор эмаслигини, мулкий зарар айнан ушбу шахс томонидан етказилган ёки етказилмаганилигини, шунингдек, ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаши шарт.

Фуқаро К.Н. 2020 йил 15 февраль куни соат 11:30 ларда бошқарувидаги "Нексия 3" русумли, давлат рақами 10 К 222 РА

бўлган автомашинани Алишер Навоий кўчасида йўл четидан орқага ҳаракатланаётib ҳаракатсиз ҳолда тўхтаб турган фуқаро

Д.Д.га тегишли "Матиз" русумли, давлат рақами 01 Л 333 АА автомашинанинг орқа қисмiga тўқнашган ва воқеа жойидан кетиб қолган.

Биринчи инстанция судининг қарори билан ҳуқуқбузар К.Н. МЖтКнинг 134 ва 137-моддалари билан айбли деб топилиб, унга ушбу кодекснинг 34-моддаси тартибида узил-кесил базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз баравари миқдорида 6 690 000 сўм жарима солинган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судлари қарорларини бекор қилиб, К.Н.га оид юритилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни МЖтКнинг 271-моддаси 1-бандига асосан тугатишни лозим топган.

Судлов ҳайъати бундай хulosага келишда экспертиза ташкилотининг 2020 йил 12 мартағи 123-сонли хulosасига асосланган. Мазкур ҳолатда биринчи ва кассация инстанцияси судлари экспертиза ташкилоти томонидан берилган хulosага эътиборини қаратмаган ва К.Н.ни МЖтКнинг 134 ва 137-моддалари билан айбли деб топган. Аммо экспертиза хulosасида "Матиз" русумли, давлат рақами 01 Л 333 АА автомашинанинг орқа томондаги бамперида бошқа транспорт воситасига тегишли

бўлган лак-бўёқ излари ҳамда "Нексия 3" русумли, давлат рақами 10 К 222 РА автомашинани олди томондаги бамперида бошқа транспорт воситасига тегишли бўлган лак-бўёқ излари мавжуд эмаслиги баён этилган.

МЖтКнинг 307-моддасига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс): маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганлигини, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойни, мазкур шахс уни содир этишда айбордor-айбордor эмаслигини, унинг маъмурий жавобгарликка тортилиш-тортилмаслигини, жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар бор-йўклигини, мулкий зарар етказилган-етказилмаганлигини, шунингдек, ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаши шарт.

Шу сабабли, судлов ҳайъати экспертиза хulosасидан келиб чиқиб, ҳуқуқбузар ва жабрланувчига тегишли бўлган автомашиналар бир-бири билан тўқнашмаган, деган хulosага келган ҳамда К.Н.ниг ҳаракатларида МЖтКнинг 134 ва 137-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд эмас деб ҳисоблаб, маъмурий иш юритишни МЖтКнинг 271-моддаси 1-бандига асосан тугатишни лозим топган.

3-1001-2003/1164-сонли иш

4. Қонун ҳужжатларида ва ташкилотларнинг ички меъёрий ҳужжатларида бажарилиши мажбурий қилиб белгиланмаган талабларга асосланиб шахсни МЖтКнинг 54-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик бўйича жавобгарликка тортиб бўлмайди.

Давлат санитария-эпидемиология назорати бошқармаси шаҳар филиали ходимлари томонидан 2020 йил 28 июнда тузиленган 111-сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомада якка тартибдаги тадбиркор С.С.нинг озиқ-овқат дўконига кириш жойида дезинфекцияловчи тўшама йўқлиги, эшик тутқичларида дезинфекцияловчи дока йўқлиги аниқланганлиги кўрсатилган.

Биринчи инстанция судининг қарори билан С.С. МЖтКнинг 54-моддаси иккинчи қисми билан айбли деб топилиб, унга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг йиғирма баравари миқдорида 4 460000 сўм

жарима солинган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судлари қарорларини бекор қилиб, С.С.га оид юритилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни МЖтКнинг 271-моддаси 1-бандига асосан тугатишни лозим топган.

Судлов ҳайъати бундай хulosага келишда қўйидагиларга асосланган.

Вазирлар Маҳкамасининг "Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2020

йил 23 матдаги 176-сонли қарори 2-банда биринчи босқичда Тошкент шаҳрида, кейинчалик босқичма-босқич Нукус шаҳри, вилоят ва туман марказларида жойлашган барча йирик дехқон бозорлари ва савдо мажмуалари (супермаркет, гипермаркет ва бошқалар) кириш-чиқиш жойларини тегишли мутахассислар билан таъминлаган ҳолда тепловизорлар ва антисептик воситалар билан жиҳозланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош Давлат санитария врачи томонидан 2020 йил 23 апрелда тасдиқланган 0372-20-сонли "COVID-19 пандемияси даврида чеклаш тадбирларини қўлланилиши шароитида давлат идоралари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги вақтингчалик санитария қоида ва меъёrlа-

ри" белгиланган.

Бироқ Давлат санитария-эпидемиология назорати бошқармаси шаҳар филиали ходимлари томонидан 2020 йил 28 июнда тузилган 111-сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомада якка тартибдаги тадбиркор С.С.га нисбатан билдирилган эътиrozлар юқорида қайд этилган ва бошқа қонун ҳужжатларида тадбиркорлик субъектлари томонидан бажарилиши мажбурий қилиб кўрсатилмаган.

Шу сабабли судлов ҳайъати С.С.нинг харакатларида МЖтКнинг 54-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд эмас деб ҳисоблаб, С.С.га оид юритилган маъмурий ишни МЖтКнинг 271-моддаси 1-бандига асосан тугатишни лозим топган.

3-2301-2001/1477-сонли иш

II. МАЪМУРИЙ ВА БОШҚА ОММАВИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚКАН НИЗОЛАРГА ОИД ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ОБЗОРИ

1. Қонун ҳужжатларига мувофиқ ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи ер участкаси берилган муддат тугаганда бекор қилинади.

Туман ҳокимининг 2007 йил 11 июндағи 111-сонли қарори билан туманнинг "Наврӯз" ҚФЙдаги 122-контурдан 1,2 гектар ер участкаси фуқаро С.Т.га боғ барпо этиш учун 11 йил муддатга ажратилган. Шундан сўнг С.Т. томонидан "Ш" фермер хўжалиги ташкил этилиб, фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида ижара шартномаси тузилган. Ажратилган ер участкасининг муддати 2018 йилда тугаган ва тарафлар ўртасида тузилган ижара шартномасининг амал қилиш муддати узайтирилмаган.

Кейинчалик туман ҳокимининг 2019 йил 16 февралдаги 666-сонли қарори билан фуқаро В.В.га боғдорчилик йўналишидаги фермер хўжалигини ташкил этиш учун туман захира ерларидан "Навруз" ҚФЙдаги 122 ва 126-контурлардан жами 9,85 га ер участкаси 49 йил муддатга ижара-га берилган.

Шу сабабли аризачи С.Т. судга ариза билан мурожаат қилиб, туман ҳокимининг 2019 йил 16 февралдаги 666-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўралган.

Биринчи инстанция суди аризачининг аризасини қаноатлантирган. Суд бундай хulosага келишда туман ҳокимининг 2007 йил 11 июндағи 111-сонли қарори билан аризачи С.Т.га ижарага берилган ер участкаси туман ер захирасига қайтариб олинмасдан туриб, туман ҳокимининг 2019 йил 16 февралдаги 666-сонли қарори қабул қилинганилигига ва ушбу қарор билан низоли ер участкаси учинчи шахсга ижарага берилганилигига асосланган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал килув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва апелляция инстанцияси судлари қарорларини бекор қилиб, аризани қаноатлантиришни рад этишини лозим топган.

Судлов ҳайъати суд қарорларини бекор қилиб, аризани қаноатлантиришни рад этишда қўйидагиларга асосланган: Ер кодексининг 36-моддаси биринчи қисми 2-бандига кўра, бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи ёхуд ундан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек, ер участкаси-

ни ижарага олиш ҳуқуқи ер участкаси берилган муддат тугаганда бекор қилинади.

Туман ҳокимининг 2007 йил 11 июндаги 111-сонли қарори билан аризачи С.Т.га бироқ барпо этиш учун ер участкаси 11 йил муддатга берилган бўлиб, 2018 йилда ушбу муддат тугаган. Бироқ мазкур муддат тарафлар томонидан ёки суд тартибида узайтирилмаган. Мазкур ҳолатда аризачининг ерга бўлган ҳуқуқи 2018 йилда тугаганлиги сабабли, низоли ер участкаси туман захирасидаги ер ҳисобланади.

Фуқаролик кодексининг 12-моддаси биринчи қисмида давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи-

нинг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқаронинг ёки юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлиги белгиланган.

Бироқ туман ҳокимининг 2019 йил 16 февралдаги 666-сонли қарори аризачининг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаган. Чунки ушбу қарор билан В.В.га жами 9,85 гектар ер участкаси туман захирасидаги ерлардан ажратилган.

3-1111-1901/1335-сонли иш

2. Маъмурий орган мансабдор шахсларининг қарори устидан судга ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида маълум бўлган пайтдан эътиборан уч ой ичидаги берилиши мумкин. Агар бундай ариза (шикоят)ни бериши муддати узрли бўлмаган сабабларга кўра, ўтказиб юборилган бўлса, уни қаноатлантириш рад этилади.

Туман ҳокимининг 2014 йил 13 марта-ги 333-сонли қарори билан Д.Ж.га Марказий ўрмон хўжалиги ер харитасининг 23-контурида Хитой технологияси асосида муқобил ёқилғилардан фойдаланадиган иссиқхона қуриш учун жами 1,1 гектар ер майдони ажратилган.

Туман ҳокимининг 2016 йил 26 сентябрдаги 444-сонли қарори билан Марказий ўрмон хўжалиги ерларида Д.Ж. томонидан қурилган биноларга эгалик қилиш ҳамда 1,3 га ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи берилган.

Вилоят прокуратурасининг 2017 йил 14 сентябрдаги протестига асосан туман ҳокимининг 2017 йил 25 октябрдаги 555-сонли қарори билан туман ҳокимининг 2014 йил 13 марта-ги 333-сонли қарори бекор қилинган.

Шу сабабли Давлат ўрмон хўжалиги судга ариза билан мурожаат қилиб, туман ҳокимининг 2016 йил 26 сентябрдаги 444-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан аризачининг аризаси қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва апелляция инстанцияси судлари қарорларини бекор қилиб, аризани қаноатлантиришни рад этиган.

Судлов ҳайъати суд қарорларини бекор қилиб, аризани қаноатлантиришни рад этишда қуйидагиларга асосланган.

Биринчи ва апелляция инстанцияси судлари низоли ер участкаси вилоят давлат ўрмон хўжалигига тегишли ер участкаси эканлигига асосланиб, аризани қаноатлантириш ҳақида хулосага келган бўлсада, ушбу ер участкаси ҳақиқатдан ҳам, вилоят давлат ўрмон хўжалигига тегишли ёки тегишли эмаслигига аниқлик киритмаган. Чунки туман ҳокимининг 2019 йил 16 ноябрдаги 666-сонли қарори билан низоли ер участкаси давлат ўрмон хўжалигининг ҳисобидан туман захира ерлари ҳисобига қайтарилган бўлган.

МСИЮтКнинг 186-моддаси биринчи қисмига кўра, агар ушбу кодексда ёки ўзга қонунларда бошқа муддатлар белгиланмаган бўлса, маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, улар мансабдор шахсларининг қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида маълум бўлган

пайтдан эътиборан уч ой ичидаги судга берилиши мумкин.

Аниқланишича, туман маъмурий судининг 2019 йил 21 июндаги ҳал қилув қарори билан аризачи Д.Ж. ва бошқаларнинг туман ҳокимининг 2017 йил 25 октябрдаги 555-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги талаби рад қилинган. Ушбу ҳал қилув қарорида учинчи шахс сифатида Давлат ўрмон хўжалиги вакили Ш.Ш. судда иштирок этганини, аризачи Д.Ж. ўзининг аризаси ва судда берган тушунтиришларида низоли ер майдонида у Хитой технологияси асосида иссиқхона қурганлиги, унинг иссиқхонасига туман ҳокимининг 2016 йил 26 сентябрдаги 444-сонли қарори билан эгалик хуқуқи берилганлиги маълум қилинган.

Шундай бўлса-да, Давлат ўрмон хўжалиги 2019 йил 2 ноябрда, яъни МСИЮТК-нинг 186-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган муддатни ўтказган ҳолда туман ҳокимининг 2016 йил 26 сентябрдаги 444-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраб, маъмурий судга муро-

жаат қилган.

Олий суд Пленумининг "Маъмурий органдар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида" 2019 йил 24 декабрдаги 24-сонли қарори 19-бандида, агар судга мурожаат қилиш муддати ўтказиб юборилган ёки ўтказиб юборилган муддатни тиклаш суд томонидан рад этилган бўлса, аризани қаноатлантириш рад қилиниши ҳақида тушунтириш берилган.

Шу сабабли судлов ҳайъати МСИЮТК-нинг 186-моддаси биринчи қисми ва Олий суд Пленумининг "Маъмурий органдар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида" 2019 йил 24 декабрдаги 24-сонли қарори 19-бандига асосланиб, суд қарорларини бекор қилган ва аризани қаноатлантиришни рад этган.

3-1408-1901/1360-сонли иш

3. Кассация шикояти (протести) беришнинг ўтказиб юборилган муддати шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномаси бўйича кассация инстанцияси суди томонидан, агар илтимоснома ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичидаги берилган ва кассация шикоятини (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин.

Аризачи "Б" фермер хўжалиги судга ариза билан мурожаат қилиб, туман ҳокимининг 2019 йил 18 июндаги 222-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2019 йил 28 декабрдаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган.

Учинчи шахс фуқаро Д.Д. 2020 йил 16 июлда биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори устидан кассация шикояти билан мурожаат қилган.

Кассация шикоятига шикоят беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақида илтимоснома ҳам илова қилинган.

Кассация инстанцияси судининг 2020 йил 30 июлдаги ажрими билан фуқаро Д.Д.нинг кассация шикояти бериш муддатини тиклаш тўғрисидаги илтимосно-

масини қаноатлантириш рад этилиб, кассация шикоятини эса уни бериш муддати ўтганлиги асоси билан қабул қилиш рад этилган. Фуқаро Д.Д. кассация инстанцияси судининг ажримидан норози бўлиб, назорат шикояти билан мурожаат қилган.

Судлов ҳайъати кассация инстанцияси судининг ажримини бекор қилиб, фуқаро Д.Д.нинг кассация шикоятини беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш тўғрисидаги илтимосномасини қаноатлантириб, кассация шикоятини кўриб чиқиш учун ишни кассация инстанцияси судига юборган.

Судлов ҳайъати бундай хулосага келишда кассация инстанцияси суди асоссиз равишда кассация шикоятини беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклашни

рад этишда шикоят бериш муддатини ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб ҳисоблаганлигига асосланган.

МСИЮтКнинг 227-моддаси иккинчи қисмига кўра, кассация шикояти (протести) беришнинг ўтказиб юборилган муддати шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномаси бўйича кассация инстанцияси суди томонидан, агар илтимоснома ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичидаги берилган ва кассация шикоятини (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин.

Ваҳоланки, кассация инстанцияси суди МСИЮтКнинг 227-моддаси иккинчи қисмида белгиланган муддатга эътибор бермаган. Ушбу кодекснинг 227-моддаси иккинчи қисмида кассация шикояти беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш тўғрисидаги илтимоснома ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан

олти ой ичидаги эмас, балки ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичидаги берилиши мумкинлиги белгиланган.

Мазкур ҳолатда, кассация инстанцияси суди кассация шикояти беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш тўғрисидаги илтимосномани у ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан 6 ой 18 кун ўтгач, яъни 2020 йил 16 июнда берилганлиги асоси билан қаноатлантиришни рад этиб хатоликка йўл қўйган. Бунда МСИЮтКнинг 227-моддаси иккинчи қисмида белгиланган муддат бўйича хисобланганда, фуқаро Д.Д. томонидан кассация шикояти ва уни беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш тўғрисидаги илтимоснома ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан 5 ой 18 кун ичидаги берилган ва кодексда белгиланган илтимоснома бериш муддати ўтказиб юборилмаган.

3-1802-1901/2054-сонли иш

4. Ҳокимликнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган қарори суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилади.

Туман давлат нотариал идорасида 2008 йил 14 ноябрда тасдиqlangan 333-сонли олди-сотди шартномасига асосан "Мустақиллик" ҚФЙ худудида жойлашган "Ишлаб чиқариш базаси" бино-иншоотлари фуқаро Л.М.га сотилган.

Вилоят Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг 2018 йил 25 октябрдаги маълумотномасида 2009 йил 15 апрелда "Мустақиллик" ҚФЙ худудида жойлашган "Ишлаб чиқариш базаси"-нинг умумий ер майдони 3900 кв.м, қурилиш ости майдони 480,50 кв.м бино-иншоотларига объект эгаси сифатида Л.М.нинг номига кадастр ҳужжатлари тайёрланиб, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги кўрсатилган. Л.М.нинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилмаган.

Шаҳар ҳокимининг 2019 йил 26 ноябрда "Фуқаро Л.М. тасарруфидаги ер майдонига нисбатан доимий фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш ҳамда ер майдонини шаҳар ҳокимлиги захирасига қайтариб олиш тўғрисида"ги 222-сонли қарори қабул қилинган. Ушбу қарорнинг

2-бандида фуқаро Л.М. тасарруфидаги 3900 кв.м ер майдонига нисбатан доимий фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилинган ва 1400 кв.м ер майдони шаҳар ҳокимлигининг захирасига қайтариб олинган.

Шу сабабли аризачи Л.М. судга ариза билан мурожаат қилиб, шаҳар ҳокимининг 2019 йил 26 ноябрдаги 222-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан аризачининг аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва апелляция инстанцияси судлари қарорларини бекор қилиб, аризани қаноатлантиришни лозим топган.

Судлов ҳайъати суд қарорларини бекор қилиб, аризани қаноатлантиришни рад этишда қўйидагиларга асосланган.

Шаҳар ҳокимининг 2019 йил 26 ноябрдаги 222-сонли қарори билан ер участ-

каси захирага олинган ва Л.М.нинг "Ишлаб чиқариш базаси"га тегишли ҳудудда ер участкасига нисбатан ҳуқуқи қолмаган.

Аммо туман давлат нотариал идорасида 2008 йил 14 ноябрда тасдиқланган 333-сонли олди-сотди шартномасига асосан Л.М. "Мустақиллик" ҚФЙ ҳудудида жойлашган ишлаб чиқариш базасининг бино-иншоотларини сотиб олган ва ушбу шартнома 2009 йил 12 январда шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати давлат корхонасида рўйхатдан ўтказилиб, Л.М. номига 274-сонли кадастр иши расмийлаштирилган. Олди-сотди шартномасига асосан Л.М. сотиб олган бино-иншоотларнинг қурилиш ости майдони 138,50 метр квадратни ташкил этган.

Ушбу шартнома ҳозирги кунга қадар қонуний кучда бўлиб, ҳақиқий эмас, деб топилмаган ёки бекор қилинмаган.

Мазкур ҳолатда Л.М.нинг ишлаб чиқариш базаси бино-иншоотлари жойлашган ер участкаси аниқланмасдан, шаҳар ҳокими томонидан 3900 кв.м ер майдони, шу жумладан, қонуний асосларга кўра, Л.М.га тегишли бўлган майдон ҳам захирага олиниб, аризачининг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига путур етказилган.

Шу сабабли судлов ҳайъати суд қарорларини бекор қилиш ва аризачининг аризасини қаноатлантиришни лозим топган.

3-1603-2001/255-сонли иш



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ
ҚАРОРИ

2021 йил 28 январь

№ РС-05-21

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳдилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2020 йилнинг биринчи ва иккинчи ярмига мўлжалланган иш режалари, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

2020 йил давомида иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида ҳисобот даврининг бошига қолдиқдаги назорат шикоятлари сони 146 тани ташкил этиб, ҳисобот даврида жами 1418 та назорат шикояти (протести) келиб тушган.

Улардан: 4012 та шикоят қайтарилган, 166 та шикоятни қабул қилиш рад этилган, 411 та шикоят бўйича уларни кўриб чиқиш учун

судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган, 475 та шикоят (протест) иш юритувга қабул қилинган.

512 та шикоят (протест) кўриб чиқилган. Шулардан: 184 та суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган, 58 та суд қарорлари ўзгартирилган, 270 та суд қарорлари эса бекор қилинган. Жумладан, 76 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари бекор қилиниб, ишлар янгидан кўриш учун юборилган, 117 таси бўйича янги қарор қабул қилинган, 48 таси бўйича аввал қабул қилинган суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган, 7 таси бўйича даъво кўрмасдан қолдирилган, 22 таси бўйича иш юритиш тугатилган, 74 та шикоят ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган.

Судлов ҳайъати судьялари томонидан жами 40 марта ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилган. 43 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат (10 та қонун ва 3 та қонуности ҳужжати), 12 та Олий суд Пленуми қарорлари лойиҳаларининг ишлаб чиқилишида иштирок этилган. Суд амалиёти юзасидан 8 та умумлаштириш ва 4 та обзор ўтказилиб, Олий суд Раёсатининг муҳокамасига киритилган.

Ишларни биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда қўйидаги хато ва камчиликларга йўл қўйилганилиги сабабли, назорат инстанцияси суди

томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ва бекор қилинган.

Жумладан:

муддати ўтказиб берилган кассация шикоятини қабул қилишни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 291-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига асоссан рад этилиши тўғрисидаги процессуал қонун нормаларига тўлиқ риоя этмаслик;

Иқтисодий процессуал кодексининг 177-моддасига кўра, низо юзасидан барча мансаларни ҳал этмайдиган, юзаки ва асослантирилмаган қарорларнинг қабул қилиниши мумкин эмас.

Аммо қарор қабул қилишда иш учун аҳамиятли ҳолатларни тўлиқ текшириш ва аниқлик киритиш чоралари кўрилмаганлиги;

солиқ солиш солиқ мажбуриятлари юзага келган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган муносабатларга нисбатан қўлланилиши ҳолатига етарли ҳуқуқий баҳо бермаслик;

агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб оловчи, товар етказиб берувчини хабардор қилган ҳолда, етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган товарларни қабул қилишни рад этишга ҳақлилиги, товар етказиб берувчи билдириш хатини олгунча етказиб берилган товарларни сотиб оловчи қабул қилиши ва уларнинг ҳақини тўлаши, сотиб оловчи шартномага мувофиқ етказиб берилган то-

варларнинг қабул қилинишини таъминлайдиган барча зарур ҳаракатларни амалга ошириши лозимлиги тўғрисидаги моддий ҳуқуқ нормаларига тўлиқ риоя этмаслик;

судлар неустойкани ундириш тўғрисидаги даъволарни ҳал қилишда неустойка миқдорининг қонун талабларига мувофиқ ҳисобланганлиги, унинг асослилиги, мажбурият бузилиши оқибатларига мутаносиблиги каби ҳолатларни ҳар томонлама ва чуқур муҳокама қилиб, талаб қилинган неустойканинг адолатли миқдорини белгилashi шартлиги ҳақидаги Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга етарли эътибор бермаслик ҳолатларига йўл қўйилган.

Судьялар одил судловни амалга оширишда ишларни ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилишини, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини, қонун устуворлигини, қонунийликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олди олинишини, қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабати шаклланишини таъминлаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорини муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида" — ги Ўзбекистон Республикаси Конунийнинг 24-моддасига мувофиқ, Олий суд Раёсати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси" ҳамда "Куч адолатда" газетасининг бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), "Одил суд-

лов" — "Правосудие" журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) суд амалиёти обзорини Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси, "Одил судлов" — "Правосудие" журнали ҳамда Олий

суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати (Қ.Комилов) ҳамда вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар ралислари зиммасига:

суд амалиёти обзорини вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишини таъминлаш;

суд амалиёти обзорини барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида 2021 йил февраль ойида видеоконференцалоқа режимида семинар машғулотини ўтказиш;

бажарилган ишлар ҳақидаги батафсил ахборотни Олий суднинг Пленуми ва Раёсати котибиятига электрон шаклда 2021 йил 1 марта қадар тақдим этиш юклансин.

4. Ушбу қарор вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларга, туманлараро, туман (шаҳар) судларига амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари — иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг раиси Б. Исаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси**

К. КАМИЛОВ

Олий суд Раёсатининг
2021 йил 28 январдаги
РС-05-21-сонли қарорига ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-хуқуқ тизимини янада та-комиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чоратадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил давомидаги иш фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг иш режаси ва тасдиқланган Дастурлар, Йўл харитасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган, шу жумладан, қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари назорат тартибида қайта кўрилган.

2020 йил давомида иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида ҳисобот даврининг бошига қолдиқдаги назорат шикоятлари сони 146 тани ташкил этиб, ҳисобот даврида жами 1418 та назорат шикояти (протести) келиб тушган.

Улардан: 4012 та шикоят қайтарилган, 166 та шикоятни қабул қилиш рад этилган, 411 та шикоятни кўриб чиқиши учун судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган, 475 та шикоят (протест) иш юритувга қабул қилинган.

512 та шикоят (протест) кўриб чи-

қилган. Шулардан: 184 таси бўйича суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган, 58 таси бўйича суд қарорлари ўзгартирилган, 270 таси бўйича суд қарорлари бекор қилинган. Жумладан, 76 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари бекор қилиниб, ишлар янгидан кўриш учун юборилган, 117 таси бўйича янги қарор қабул қилинган, 48 таси бўйича аввал қабул қилинган суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган, 7 таси бўйича даъво кўрмасдан қолдирилган, 22 таси бўйича иш юритиш тугатилган, 74 та шикоят ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган.

Судлов ҳайъати судьялари томонидан жами 40 марта ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилган. 43 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (10 та қонун ва 3 та қонуности ҳужжатлари), 12 та Олий суд Пленуми қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқилишида иштирок этилган. Суд амалиёти юзасидан 8 та умумлаштириш ва 4 та обзор тайёрланиб, Олий суд Раёсатининг муҳокамасига киритилган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан айрим ишларни кўришда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади), Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунишишларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганлигини кўриш мумкин.

I. ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

1. Кассация шикояти муддатини тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш учун белгиланган олти ойлик муддат қатъий бўлиб, ушбу муддат ўтказиб юборилганидан кейин берилган муддатни тиклаш ҳақидаги илтимоснома рад этилиши, муддати ўтказиб берилган кассация шикоятини (протести-ни) қабул қилиш эса, Иқтисодий процессуал кодексининг 291-моддаси биринчи қисми 4-бандига асосан рад этилиши лозим.

Кассация шикоятини (протести-ни) беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш тўғрисида илтимоснома мавжуд бўлмаган тақдирда ҳам бундай шикоятни (протестни) қабул қилиш шу асослар билан рад этилиши, агар кассация шикояти (протести) қонунда белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган ва у хатога йўл қўйилиб иш юритишга қабул қилинган бўлса, кассация шикояти бўйича иш юритиш Иқтисодий процессуал кодексининг 296-моддаси биринчи қисми 1-бандига мос ҳолда тугатилиши керак.

Иш ҳужжатларига кўра, Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан қўзғатилган жиноят иши доирасида Тошкент шаҳар, Миробод туманида рўйхатдан ўтган "Н" масъулияти чекланган жамиятининг (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) 2014 йил 1 январдан 2018 йил 31 декабргача амалга оширилган молиявий хўжалик фаолиятидаги даврда солиқ қонунчилигига риоя қилиниши, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ўз вақтида бюджетга тўланиши юзасидан жиноят иши бўйича ўтказилган ҳужжатли текширув натижасида аниқланишича, жавобгар томонидан 2014-2018 йиллар давомида жами 8 413 852,36 минг сўмлик савдо тушумлари банк мұассасасига келиб тушмаганлиги, яъни савдо тушумлари яширилганлиги, сотилган товарлар учун харидорларга назорат-касса машинаси чеки ёки унга тенглаштирилган квитанциялар берилмаганлиги аниқланган.

2019 йил 13 августда давлат солиқ бошқармаси (бундан буён матнда ДСБ деб юритилади) томонидан солиқ текшируви материалларини кўриб чиқишибаённомаси тузилган ва шу куни солиқقا оид қонунбузарликни бартараф этиш тўғрисида қарор қабул қилинган ва жавобгарнинг манзилига почта алоқа воситаси орқали юборилган.

Жавобгар томонидан солиқقا оид

қонунбузарликни бартараф этиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жарима ихтиёрий тўланмаганидан сўнг ДСБ судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарга нисбатан Солиқ кодексининг 114-моддаси иккинчи қисмига асосан 1 682 770 500 сўм миқдорида молиявий жарима қўллашни сўраган.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2019 йил 13 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан ДСБнинг аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Тошкент шаҳар иқтисодий суди кассация инстанциясининг 2020 йил 4 августдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, ДСБнинг аризасини тўлиқ қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Ушбу қарордан норози бўлган жавобгар назорат шикояти билан мурожаат қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама химоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сонли Фармони З-банди учинчи хатбошида молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта хукуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимлари йўл қўйилган қонунбузарликларни

қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ихтиёрий равишда бартараф этган ва етказилган моддий зарарни қоплаган тақдирда, инсоннинг соғлиги ва ҳаётига зарар етказилган ҳолатлар бундан мустасно, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан, жарималар ва молиявий санкциялар (пенядан ташқари) қўлланилишидан озод этилиши белгиланганлигини кўрсатиб, суд қарорини бекор қилиш ва биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини кучида қолдиришни сўраган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 285-моддаси биринчи ва икkinчи қисмларига кўра, кассация шикояти (протести) суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин бир ой ичida берилиши мумкин.

Кассация шикояти (протести) беришнинг ўтказиб юборилган муддати шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномаси бўйича кассация инстанцияси суди томонидан, агар илтимоснома ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичida берилган ва кассация шикоятини (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин.

Олий суд Пленумининг "Апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида" 2019 йил 24 декабрдағи 26-сонли қарори 6-бандинда Иқтисодий процессуал кодексининг 285-моддаси икkinчи қисмида кассация шикояти бериш муддатини тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш учун белгиланган олти ойлик муддат қатъий ҳисобланиши, ушбу муддат ўтказиб юборилганидан кейин берилган бундай муддатни тиклаш ҳақидаги илтимоснома рад этилиши, муддати ўтказиб берилган кассация шикоятини (протестини) қабул қилиш эса, Иқтисодий процессуал кодексининг 291-моддаси биринчи қисми 4-бандинга асосан рад этилиши лозимлиги, кассация шикоятини

(протестини) беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш тўғрисида илтимоснома мавжуд бўлмаган тақдирда ҳам бундай шикоятни (протестни) қабул қилиш шу асослар билан рад этилиши, агар кассация шикояти (протести) қонунда белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган ва у хатога йўл қўйилиб иш юритишга қабул қилинган бўлса, кассация шикояти бўйича иш юритиш Иқтисодий процессуал кодексининг 296-моддаси биринчи қисми 1-бандинга мос ҳолда тугатилиши ҳақида тушунириш берилган.

Иш ҳужжатларига кўра, ҳал қилув қарори 2019 йил 13 ноябрда қабул қилинган. Кассация шикояти эса, судга 2020 йил 8 июлда топширилган ва 2020 йил 17 июлдаги суд ажрими билан иш юритишга қабул қилинган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 296-моддасига асосан кассация шикояти (протести) ушбу кодексга мувофиқ кассация тартибида шикоят қилинмайдиган (протест келтирилмайдиган) суд ҳужжати устидан берилган ва у кассация инстанцияси суди томонидан хатога йўл қўйилиб, иш юритишга қабул қилинган бўлса, кассация инстанцияси суди кассация шикояти (протести) бўйича иш юритиши тугатади.

Ҳал қилув қарори устидан кассация шикояти Иқтисодий процессуал кодексида белгиланган муддат ўтганидан кейин берилганлиги, муддат ўтганлиги сабабли берилган шикоят қонунга мувофиқ шикоят (протест) келтирилиши мумкин бўлмаган суд ҳужжати устидан берилган деб ҳисоблаш лозимлигини инобатга олиб, кассация инстанцияси суди Иқтисодий процессуал кодексининг 296-моддаси биринчи қисми 1-бандинга мос ҳолда кассация шикояти бўйича иш юритиши тугатиш лозим бўлган. Бироқ кассация инстанцияси суди юкорида қайд этилган Пленум қарорида берилган тушунтиришни инобатга олмасдан, кассация шикоятини мазмунан кўриб, процессуал хатоликка йўл қўйган.

Қайд этилганларга асосан судлов

ҳайъатининг қарори билан назорат шикояти қисман қаноатлантирилиб, кассация инстанцияси судининг қарори

бекор қилиниб, кассация шикояти бўйича иш юритиш тугатилган.

4-1001-1903/21103-сонли иш

2. Суд томонидан қабул қилинган қарор моддий ва процессуал ҳукуқ нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш ҳужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак, қайд этилган талабларга риоя этмаслик Иқтисодий процессуал кодексининг 279, 302 ва 322-моддаларига мувофиқ қарорнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос бўлиши мумкин.

Суд томонидан Иқтисодий процессуал кодексининг 177-моддасида назарда тутилган барча масалаларни ҳал этмайдиган, юзаки ва асослантирилмаган қарорларнинг қабул қилиниши мумкин эмас.

Фуқаро "Н." 2011 йил 25 майда Республика кўчмас мулк биржаси савдосида Қўқон шаҳар, Фаробий кўчаси, 2-йида жойлашган "А" масъулияти чекланган жамиятининг Низом жамғармасидаги 100 фоиз улушини 248 829 179 сўмга сотиб олиб, "С" хусусий корхонасини ташкил қилган. Хусусий корхона таъсисчи фуқаро "Н." томонидан ташкил этилиб, 2006 йил 17 марта 1470-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган, корхона Низом фонди 1 000 000 сўмни ташкил қилган.

2016 йил 29 июля "С" хусусий корхонасининг корхонага тегишли бўлган, ҳозирда фойдаланилмай келинаётган ер майдони билан бошқа корхона таъсисчилигига кириш тўғрисидаги қарорида корхона балансида бўлган Қўқон шаҳар, Форобий кўчаси, 2-йида жойлашган ярим тайёр маҳсулотлар цехи бино-иншоотларининг фойдаланилмай ётган қисми ҳисобидан 1,3 гектар ер майдонида жойлашган бино ва иншотлар билан "ВГ" масъулияти чекланган жамияти (бундан бўён матнда жавобгар деб юритилади) таъсисчилари сафига 15 фоиз улуш билан кириши кўрсатилган. 2016 йил 5 август ва 2016 йил 20 сентябрда тарафлар ўртасида кўчмас мулкни улуш сифатида киритиш тўғрисида келишув битими тузилган.

2016 йил 25 августда, Қўқон шаҳар ҳокимлиги томонидан "С." хусусий корхонаси "Р." масъулияти чекланган жамияти (бундан бўён матнда жамият деб юритилади) сифатида қайта

рўйхатдан ўтказилган. Жамиятнинг Низомига кўра, таъсисчилар А.У. — 28,56 фоиз, Ф.У. — 7,70 фоиз, фуқаро "Н." — 63,73 фоиз улушга эга бўлган.

Даъвогарлар "Р." масъулияти чекланган жамияти таъсисчилари А.У. ва Ф.У. (бундан бўён матнда даъвогарлар деб юритилади) жавобгарлар жамият ва жавобгарга нисбатан судга мурожаат қилиб, 2016 йил 20 сентябрда тузилган келишув битими ҳақиқий эмас, деб топиш ва ҳақиқий эмас, деб топиш оқибатларини қўллашни сўраган.

Вилоят иқтисодий судининг 2020 йил 5 июндан ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2020 йил 28 июлдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш бўйича янги қарор қабул қилинган, даъво қисман қаноатлантирилиб, тарафлар ўртасида тузилган 2016 йил 20 сентябрдаги келишув битими ҳақиқий эмас, деб топилган. Даъвонинг битими ҳақиқий эмас, деб топиш оқибатларини қўллаш талабини қаноатлантириш рад этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида" 2007 йил 15 июндан 161-сон қарори З-бандида қарор қачонки, унда иш учун аҳамиятли барча ҳолатлар баён этилган ва тарафларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги хulosаларини тасдиқловчи

далиллар келтирилган бўлса, асослантирилган ҳисобланиши, қарор иш ҳолатлари ҳақидаги тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва у далилларга унинг дахлдорлиги ва йўл қўйилишилиги, ишончлилиги ва етарлилик ҳақидаги Иқтисодий процессуал кодексининг 69-75-моддалари талабарини инобатга олган ҳолда асослантирилган бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция судининг 2020 йил 5 июндаги ҳал қилув қарори билан даъвогарларнинг даъво муддатини тиклаш талабини қаноатлантириш рад этилган. Даъво муддати қўлланилиб, даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Иқтисодий судлар томонидан фуқаролик қонун ҳужжатларининг даъво муддатига оид нормаларини қўллашнинг айrim масалалари ҳақида" 2015 йил 19 июндаги 282-сонли қарори 8-бандида ФКнинг 153-моддаси иккинчи қисмига кўра, даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг қарор чиқарилгунигача берган аризасига мувофиқ қўлланилиши, қонунда даъво муддатини қўллаш ҳақидаги ариза қандай шаклда берилиши кўрсатилмаганлиги сабабли, бундай ариза ҳам оғзаки билдирилиши, ҳам ёзма шаклда берилиши мумкинлигини инобатга олиш лозимлиги, аризанинг оғзаки билдирилганлиги, албатта, муҳокама қилиниши ва бу ҳақида суд мажлиси баённомасида кўрсатилиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ жавобгар томонидан судга тақдим қилинган эътироznомада ҳам, суд мажлиси баённомасида ҳам даъвогарларнинг даъво талабарига нисбатан даъво муддатини қўллаш тўғрисида ариза ёки илтимоснома тақдим қилинмаган бўлса-да, биринчи инстанция суди ишдаги мавжуд ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо бермасдан ва муҳокама қилинмасдан даъво муддатини қўллаб, даъвогарларнинг даъво талабини қаноатлан-

тиришни рад этиш ҳақида барвақт хуносага келган.

Бундан ташқари даъвогарларнинг даъво предметини ўзгартириш (аниқлаштириш) тўғрисидаги аризасида 2016 йил 20 сентябрда масъулияти чекланган жамияти ва жавобгар ўrtасида тузилган келишув битимини ҳақиқий эмас топиш, 2016 йил 20 сентябрда масъулияти чекланган жамияти ва жавобгар ўrtасида тузилган келишув битимини ҳақиқий эмас, деб топиш оқибатларини қўллаб, тарафларни дастлабки ҳолатга келтиришни сўраган. Бироқ ҳал қилув қарорида даъвогарларнинг айнан қайси даъво талаби рад этилганлиги аниқ кўрсатилмаган.

Апелляция инстанцияси суди томонидан эса, даъвогарларнинг 2016 йил 20 сентябрда масъулияти чекланган жамияти ва жавобгар ўrtасида тузилган келишув битими бўйича низолашиш даъво муддати узрли сабабга кўра, ўtkазилган деб, даъво муддатини тиклаш талаби муҳокама қилинмаган. Бундан ташқари апелляция инстанцияси суди даъвогарларнинг даъво талабини қисман қаноатлантиришда масъулияти чекланган жамиятининг Низоми Кўқон шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона дарча маркази"дан 2016 йил 25 августда, жавобгарнинг Низоми Фарғона шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона дарча маркази"дан 2016 йил 8 августда рўйхатдан ўтказилганлиги, иккита Низомда ҳам мазкур иш бўйича бўлган низоли объект, яъни Кўқон шаҳар, Фаробий кўчаси, 2-уйда жойлашган бино-иншоотлар таъсисчининг улуш сифатида қандай тартибида киритилганлигига аниқлик кирилмаган.

Бундан ташқари иш ҳужжатларида Кўқон шаҳар, Форобий кўчаси, 2-уйда жойлашган низоли бино-иншоотларга нисбатан жавобгарга "Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида" ва "Бинолар, иншоотлар ва кўп йиллик дарахтларга бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйха-

тидан ўтказилганлиги тўғрисида" Кўён шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан гувоҳномалар берилган.

Апелляция инстанцияси суди томонидан низоли объект масъулияти чекланган жамияти ва жавобгарнинг Низомларида низоли объект таъсисчиларнинг улуши сифатида қандай тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганлигига, низоли объектларга нисбатан жавобгарга Кўён шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан гувоҳномалар қандай тартибда берилганлигига, низоли объектлар кимнинг балансида турганлигига аниқлик киритилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида" 2007 йил 15 июннаги 161-сонли қарори 1-бандида қарорнинг одил судловнинг конституциявий асосларини амалга оширадиган ва Ўзбекистон Республикаси номидан қабул қилинадиган хўжат сифатида қонуний ва асослантирилган бўлиши ҳақидаги Иқтисодий процессуал кодексининг 18-боби талабларига сўзсиз ва қатъий риоя этилиши шартлиги, суд томонидан қабул қилинган қарор моддий ва процессуал қонунчилик нормалари билан тўлиқ мос кели-

ши, иш ҳужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, қайд этилган талабларга риоя этмаслик Иқтисодий процессуал кодексининг 279, 302 ва 322-моддаларига мувофиқ қарорнинг бекор қилиниши ёки ўзгарилиши учун асос бўлиши мумкинлиги, Иқтисодий процессуал кодексининг 177-моддасида назарда тутилган барча масалаларни ҳал этмайдиган, юзаки, асослантирилмаган қарорларнинг қабул қилиниши мумкин эмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 302-моддаси тўртинчи қисми 7-бандига кўра, билдирилган талаб бўйича суд ҳал қилув қарори қабул қилмаганини биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлади.

Қайд этилган ҳолатларни эътиборга олиб, судлов ҳайъати назорат шикоятини қисман қаноатлантириш, иш юзасидан қабул қилинган ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, биринчи инстанция суди томонидан иш учун аҳамиятли ҳолатларни тўлиқ аниқлаш мақсадида ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш тўғрисида қарор қабул қилган.

4-1502-1903/1439-сонли иш

II. МОДДИЙ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

1. Солиқ солиши солиқ мажбуриятлари юзага келган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Агар қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган муносабатларга нисбатан қўлланилади. Фақат солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни бекор қиласидиган ёки енгиллаштирадиган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга.

"Б." масъулияти чекланган жамиятининг (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) туман давлат солиқ инспекциясига (бундан буён матнда аризачи ёки ДСИ деб юритилади) тақдим этган ҳисботлари асосида Солиқ кодексининг 70-моддасига асосан ўтказилган камерал назорати бўйича жавобгар яго-

на солиқ тўловчиси ҳисобланиб, 2017-2018 йиллар иккинчи чорагида марказлашган маблағлар ҳисобига 331 447 050 сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини бажарганлиги, лекин қўшилган қиймат солиги (бундан буён матнда аризачи ёки ҚҚС деб юритилади) ҳисобланмаганини ва тўланмаганини аниқланган.

Жавобгар маҳаллий бюджетдан марказлашган маблағлар ҳисобига 2017-2018 йиллар ҳисоботларида 55 244 510 сўм ҚҚСни кўрсатмаганлиги сабабли, Солиқ кодексининг 349-моддасига асосан 55 244 510 сўм ҚҚС ҳисобланган.

ҚҚС бўйича аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини ёхуд аниқланган тафовутларнинг асосини тузатишлар киритиш ҳақида ДСИ томонидан жавобгарга талабнома юборилган. Жавобгар томонидан талабномада кўрсатилган талабларга эътиroz билдирилганлиги сабабли, даъвогар судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан 2017-2018 йиллар давомида марказлашган маблағлар ҳисобидан бажарилган 331 467 050 сўмлик қурилиш ва жорий таъмиглаш ишларидан 55 244 510 сўм қўшимча ҳисобланган ҚҚСни ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2018 йил 19 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан ДСИнинг даъво талаби қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2019 йил 12 мартағи қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, жавобгар 2017-2018 йиллар давомида жорий таъмиглаш ишларини бажариш учун бир нечта юридик шахслар билан пуррат шартномаларини тузган ва 2017-2018 йилларда жорий таъмиглаш ишлари учун жами 331 467,05 минг сўм маблағи жавобгарнинг ҳисоб рақамига келиб тушган.

ДСИ ходимлари томонидан Солиқ кодексининг 70-моддаси талаблари асосида жавобгар томонидан 2017 йил якуни ва 2018 йилнинг 1, 2-чораги якуни бўйича тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботларини, шунингдек, унинг фаолияти тўғрисида ДСИдаги мавжуд бошқа ташқи манбадан олинган маълумотларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида амалга оширилган камерал назорати жараёнида корхона (жавобгар) 2017-2018 йилларда марказлашган тартибида 331 467 050 сўмлик қурилиш-таъмиглаш ишларини бажарганлиги, аммо корхона томонидан ҚҚС ҳисботи тақ-

дим қилинмаганлиги аниқланган ва шунинг учун ДСИ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан 55 244 510 сўм қўшимча ҳисобланган ҚҚС суммасини ундиришни сўраган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 13-моддаси биринчи қисмига биноан суд ишларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида ҳал қиласди.

Ўзбекистон Республикасининг "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" 2016 йил 27 декабрдаги ЎРҚ-417-сонли қонуни билан Солиқ кодексининг 349-моддаси тўртинчи хатбоши билан тўлдирилган ва унга кўра, ўзига нисбатан солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган солиқ тўловчилар учун, агар ушбу кодекснинг 373-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, тўлов манбаида солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ушлаб қолиш мажбуриятлари ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига қурилишни молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбаларини жалб этган ҳолда танлов савдолари асосида амалга оширилаётган объектлар бўйича қўшилган қиймат солиғини тўлаш мажбуриятлари сақланиб қолинади.

Солиқ кодексига киритилган ушбу ўзгаришилар 2017 йилнинг 1 январидан кучга кирган. Яъни 2017 йил 1 январдан бошлаб ўзига нисбатан солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган солиқ тўловчилар учун қурилишни молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбаларини жалб этган ҳолда танлов савдолари асосида амалга оширилаётган объектлар бўйича ҚҚСни тўлаш мажбуриятлари сақланаб қолган.

Ўзбекистон Республикасининг "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул

қилингандиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" 2018 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-508-сонли қонуни билан Солиқ кодексининг 349-моддаси янги таҳрирда баён қилинган ва ушбу модданинг тўртинчи хатбошисига кўра, ўзига нисбатан солиқ солишининг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган солиқ тўловчилар учун, агар ушбу кодекснинг 373-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, тўлов манбаида солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ушлаб қолиш мажбуриятлари ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига қурилиши молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбаларини жалб этган ҳолда амалга оширилаётган обьектлар бўйича ҚҚСни тўлаш мажбуриятлари сақланиб қолади.

Ушбу қонун 2019 йил 1 январдан эътиборан кучга кирган. Яъни 2019 йил 1 январдан бошлаб ўзига нисбатан солиқ солишининг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган солиқ тўловчилар учун қурилиши молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбаларни жалб этган ҳолда танлов савдолари асосида ёки танлов савдоларисиз амалга оширилишидан қатъи назар, амалга оширилаётган обьектлар бўйича ҚҚСни тўлаш мажбуриятлари сақланиб қолган.

Солиқ кодексининг 3-моддаси биринчи қисмига асосан солиқ солиши солиқ мажбуриятлари юзага келган пайтда амалда бўлган қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ушбу модданинг иккинчи хатбошисига кўра, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, солиқ тўғрисидаги қонун хужжатлари орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган муносабатларга нисбатан қўлланилади.

Солиқ кодексининг 3-моддасида фатъат солиқ тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун жавобгарликни бекор қиласидиган ёки енгиллаштирадиган

солиқ тўғрисидаги қонун хужжатлари орқага қайтиш кучига эга эканлиги белгиланган.

Яъни жавобгар томонидан ишлар бажарилган пайтда амалда бўлган Солиқ кодексининг 349-моддаси тўртинчи хатбошида солиқ солишининг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган солиқ тўловчилар учун қурилиши молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбаларини жалб этган ҳолда фақат танлов савдолари асосида амалга оширилаётган обьектлар бўйича ҚҚСни тўлаш мажбуриятлари сақланиб қолинган бўлган, жавобгар эса танлов савдоларисиз тузилган пудрат шартномалари асосида обьектларда жорий таъмирлаш ишларини бажарган.

Бундан ташқари туман ҳокимлиги молия бўлимининг 2020 йил 6 мартағи 01/01-17/29-сонли хатида жавобгар томонидан туманда бажарилган жорий таъмирлаш ишлари бўйича 2017 йил давомида умумий суммаси 55 060 000 сўмлик ҳамда 2018 йил давомида умумий суммаси 496 435 738 сўмлик ҚҚСиз бажарилган жорий таъмирлаш ишлари Республика бюджети ёки марказлашган манбалар ҳисобидан амалга оширилмаганлиги, балки бюджет ташкилотлари ўзининг харажатлар сметасида кўзда тутилган параметрлари доирасида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилганлиги кўрсатилган.

Бундан кўринадики, судлар иш юзасидан қарор қабул қилишда иш учун аҳамиятли ҳолатларни тўлиқ аниқламаган, моддий ҳуқуқ нормалари нотўғри қўлланилиб, асоссиз қарор қабул қилинишига сабаб бўлган.

Бундай ҳолатда судлов ҳайъатининг қарори билан назорат шикояти қаноатлантирилиб, иш юзасидан қабул қилган биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарори бекор қилинган ва туман давлат солиқ инспекциясининг даъво аризасини қаноатлантириш рад этилган.

4-2201-1801/4165-сонли иш

2. Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчи, товар етказиб берувчини хабардор қилган ҳолда, етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган товарларни қабул қилишни рад этишга ҳақли. Товар етказиб берувчи билдириш хатини олгунча етказиб берилган товарларни сотиб олувчи қабул қилиши ва уларнинг ҳақини тўлаши, сотиб олувчи (олувчи) шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларнинг қабул қилинишини таъминлайдиган барча зарур ҳаракатларни амалга ошириши лозим.

"АБК" АЖ (бундан бўён матнда АЖ ёки даъвогар деб юритилади) ва "Х." масъулияти чекланган жамияти (бундан бўён матнда жавобгар ёки масъулияти чекланган жамияти деб юритилади) ўртасида пластикдан тайёрланган 200 мм, 600 мм ва 700 мм. диаметрли қувурлар етказиб бериш бўйича имзоланган шартномаларга кўра, масъулияти чекланган жамияти томонидан 221 169 АҚШ доллари миқдоридаги DN 200 мм. диаметрли, 891 250 АҚШ доллари миқдоридаги DN 700 мм. диаметрли ва 1 006 500 АҚШ доллари миқдоридаги DN 600 мм диаметрли, жами 2 118 919 АҚШ доллари миқдоридаги шиша пластик қувурлар график асосида ишлаб чиқарилган.

Ўз навбатида, АЖ шартнома шартлариға риоя этмай, масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотни тўлиқ ҳажмда олиб кетмаганилиги натижасида 374 983,55 АҚШ доллари миқдорида қарздорлик вужудга келган.

Ушбу тарафлар иштирокидаги 10-1721/5021-сонли иш бўйича Тошкент шаҳар иқтисодий суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 28 июлдаги қарорига асосан Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармасининг масъулияти чекланган жамияти манфатида берган даъво аризаси қисман қаноатлантирилиб, АЖдан масъулияти чекланган жамияти фойдасига 374 983,55 АҚШ доллари миқдорида асосий қарз ва 7 400 АҚШ доллари миқдорида пеня (ундирув кунидаги Марказий банк томонидан белгиланган курс бўйича) ундирилган. АЖнинг қарши даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Мазкур иш бўйича суд қарорининг ижроси юзасидан Мажбурий ижро бюроси Бухоро шаҳар бўлими томонидан

АЖдан масъулияти чекланган жамияти фойдасига 374 983,55 АҚШ доллари миқдорида асосий қарз ва 7 400 АҚШ доллари миқдорида пеня ундирув кунидаги Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича, яъни 3 091 941 816,09 сўм маблағ даъвогар фойдасига ва 61 838 830,91 сўм ижро йигими МИБ бўлими фойдасига, жами 3 153 780 647 сўм ундирилган.

Шундан сўнг АЖ 2017 йил 5 декабрда 5/1196-сонли талабнома билан масъулияти чекланган жамиятига мурожаат қилиб, шартномага асосан етказиб берилмаган қувур маҳсулотларини етказиб беришни сўраган.

Масъулияти чекланган жамияти томонидан 2017 йил 15 декабрда 344-сонли хат билан даъвогарнинг ушбу талабномаси бўйича қувур маҳсулотини етказиб бериш рад этилиб, суд қарорига асосан ундирилган сумма сотувчи томонидан шартнома шартларини бузганлиги учун мулкий жавобгарликchorаси эканлиги, қувур маҳсулотини етказиб берилиши учун тўловни амалга ошириш лозимлиги билдирилган.

Шу сабабли Савдо-саноат палатаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси (бундан бўён матнда Палата деб юритилади) АЖ манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, масъулияти чекланган жамиятидан 3 153 780 647 сўм асосий қарз ва 628 112 518 сўм пеня ундиришни сўраган.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2018 йил 20 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 628 112 518 сўм пеня ундирилган. Даъво талабларининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Тошкент шаҳар иқтисодий суди апел-

ляция инстанциясининг 2019 йил 6 февралдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 3 апрелдаги қарори билан суд қарорларининг 628 112 518 сўм пеня ва суд харажатларини ундириш қисми бекор қилиниб, даъвонинг пеня ундириш талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2019 йил 25 декабрдаги РС-183-19-сонли қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Ишни биринчи инстанция судида кўриш давомида АЖ томонидан даъво талаблари миқдорини кўпайтириш тўғрисида судга ариза тақдим қилиниб, унда даъво талабларида суммаларни миллий валюта сўмдан АҚШ долларида хисобланиб, жавобгардан 374 983,55 АҚШ доллари миқдорида асосий қарз ва 74 996,71 АҚШ доллари миқдорида пеня ундириш сўралган.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2020 йил 11 июндаги ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 374 983,55 АҚШ доллари миқдорида асосий қарз ва 15 000 АҚШ доллари миқдорида пеня ундирилган.

Тошкент шаҳар иқтисодий суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 6 авгуустдаги қарори билан ҳал қилув қарорининг хулоса қисмидаги иккинчи хатбоси "ундирув кунидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича" деган жумла билан тўлдирилган. Ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида" 2007 йил 15 июнданги 161-сон қарори 3-бандида қарор қачонки, унда иш учун аҳамиятли барча ҳолатлар баён этилган ва тарафларнинг хукуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги хуло-

саларини тасдиқловчи далиллар келтирилган бўлса, асослантирилган ҳисобланиши, қарор иш ҳолатлари ҳақидаги тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва у далилларга унинг дахлдорлиги ва йўл қўйилишлилиги, ишончлилиги ва етарлилик ҳақидаги Иқтисодий процессуал кодексининг 69-75-моддалари талабларини инобатга олган ҳолда асослантирилган бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Фуқаролик кодексининг 236-моддасига асосан, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун хужжатларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса, иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Мазкур кодекснинг 437-моддасига кўра, маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган маҳсулот етказиб берувчи-сотувчи шартлашилган муддатда ёки муддатларда ўзи ишлаб чиқарадиган ёхуд сотиб оладиган товарларни сотиб олувлчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оиласвий мақсадларда, рўзғорда ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун топшириш, сотиб олувлчи эса товарларни қабул қилиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Мазкур низо АЖ томонидан тайёр маҳсулот олиб кетилмаганлиги натижасида 10-1721/5021-сонли иқтисодий иш бўйича берилган ижро варақасига асосан Мажбурий ижро бюроси Бухоро шаҳар бўлими томонидан АЖдан масъулияти чекланган жамияти фойдасига 374 983,55 АҚШ доллари миқдорида асосий қарз ва 7 400 АҚШ доллари миқдорида пеня ундирув кунидаги Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича, яъни 3 091 941 816,09 сўм пул маблағлари масъулияти чекланган жамияти фойдасига ундирилганлиги, шундан сўнг АЖнинг 2017 йил 5 декабрдаги шартномага асосан етказиб берилмаган қувур

маҳсулотларини етказиб беришни сўраб, масъулияти чекланган жамиятига йўлланган талабномасига масъулияти чекланган жамияти 2017 йил 15 декабрдаги 344-сонли хати билан қувур маҳсулотини етказиб беришни рад этганлиги ҳамда масъулияти чекланган жамияти томонидан 2018 йил 29 октябрда шартномани бажаришдан бош тортиш ва уни бекор қилиш ҳақида хабарнома АЖга йўлланганлиги оқибатида юзага келган.

Ушбу кодекснинг 444-моддасига кўра, agar шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб оловчи, товар етказиб берувчини хабардор қилган ҳолда, етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган товарларни қабул қилишни рад этишга ҳақли. Товар етказиб берувчи билдириш хатини олгунча етказиб берилган товарларни сотиб оловчи қабул қилиши ва уларнинг ҳақини тўлаши лозим.

Шартномаларга иловаларда маҳсулотнинг охириги партиясини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш муддати 2016 йилнинг апрель ойи деб белгиланган.

Тошкент шаҳар иқтисодий суди апелляция инстанциясининг 10-1721/5021-сонли иш бўйича 2017 йил 28 июлдаги қарорида юқорида қайд этилган шартномалар бўйича масъулияти чекланган жамияти томонидан маҳсулот 2016 йилнинг июнь ойида тўлиқ ишлаб чиқарилганлиги ва АЖга маҳсулотни олиб кетиш тўғрисида талабномалар юборилганлиги қайд этилган.

Бироқ АЖ томонидан масъулияти чекланган жамиятига етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган товарларни қабул қилишни рад этиши ҳақида хабар берилмаган. Фақатгина 2019 йил 6 майга келиб, масъулияти чекланган жамиятига мазкур қувурлар ишлатилиши мўлжалланган қурилиш обьектида ишлар 2016 йилда якунланганлиги сабабли ушбу қувурларга эҳтиёж мавжуд эмаслиги ҳақида 5/294-сонли хат йўлланган.

Фуқаролик кодексининг 446-моддаси биринчи қисмида сотиб оловчи (оловчи) шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларнинг қабул қилинишини таъминлайдиган барча зарур ҳаракатларни

амалга ошириши лозимлиги белгиланган.

Судлар томонидан иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмасдан, моддий ҳуқук нормалари нотўғри кўлланилиб, АЖнинг асосий қарзни ундириш талабини қаноатлантириш ҳақида нотўғри хulosага келинган.

Ҳолбуки, Фуқаролик кодексининг 444-моддаси талаби ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг кўрсатмаларига асосан АЖ масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқариб бўлинган қувур маҳсулотларини қабул қилиши, суд эса, даъвонинг асосий қарз ундириш талабини мавжуд маҳсулот қийматидан ташқари қисмини қаноатлантириши лозим эди.

Айнан шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2019 йил 25 декабрдаги РС-183-19-сонли қарорида ишни янгидан кўришда биринчи инстанция судига тайёрланган маҳсулотларнинг мавжудлиги ҳолатига аниқлик киритиш тўғрисида кўрсатма берилган.

Бироқ биринчи инстанция суди томонидан мазкур кўрсатмаларнинг ижроси амалда таъминланмаган. Яъни масъулияти чекланган жамиятига қарашли омборхонада ўтказилган сайёр суд мажлисида диаметри 200 мм. ва 600 мм. бўлган қувурлар тўлиқ эмаслиги, мавжуд қувурларнинг кўп қисми яроқсиз ҳолатда эканлиги қайд этилиб, мавжуд қувурларнинг сони аниқланмаган. Қолаверса, суд маҳсулотнинг сифати бўйича хulosha қилишга ваколатли бўлмаса-да, қувурлар сифатсизлиги ёки яроқсизлиги бўйича мутахассис фикри бўлмаган ҳолда, маҳсулот сифатсизлиги тўғрисида хulosha қилган.

Судлов ҳайъатининг топшириғи юзасидан АЖ вакиллари масъулияти чекланган жамиятининг ҳудудига келишмаганлиги сабабли маҳсулот қолдиги бўйича масъулияти чекланган жамияти ва холис ташкилот "ITG" масъулияти чекланган жамияти иштирокида далолатнома расмийлаштирилган. Унда маҳсулот қисман мавжудлиги, яъни диаметри 200

мм. бўлган 268 п/м, 600 мм. бўлган 776 п/м ва диаметри 700 мм бўлган 1366 п/м қувурлар мавжудлиги ва унинг сифати шартномаларда қайд этилган стандартларга мос келиши қайд этилган.

Судлов ҳайъати масъулияти чекланган жамиятининг АЖ маҳсулотни ўз вақтида олиб кетмаганлиги сабабли масъулияти чекланган жамияти шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортишга ҳақлилиги, бундай ҳолатда шартномани бекор қилинган деб ҳисобланиши ҳақидаги важлари билан қуидагиларга кўра келишмаган.

Фуқаролик кодексининг 455-моддасининг биринчи қисмига кўра, маҳсулот етказиб бериш шартномасини бажаришдан бир томонлама (тўлиқ ёки қисман) бош тортишга тарафларнинг бири шартномани жиддий бузган тақдирда йўл қўйилади.

Мазкур модданинг учинчи қисмида сотиб олувчи товарлар ҳақини тўлаш муддатларини бир неча бор бузиши ёки товарларни бир неча бор олиб кетмаганлиги унинг маҳсулот етказиб бериш шартномасини жиддий бузиши деб ҳисобланиши мумкинлиги қайд этилган.

Ушбу кодекснинг 448-моддаси иккинчи қисмида сотиб олувчи (олувчи)нинг товарларни маҳсулот етказиб бериш шартномасида белгиланган муддатда, бундай муддат белгиланмаган бўлса, товарларнинг тайёрлиги тўғрисида маҳсулот етказиб берувчининг билдириш хотини олганидан сўнг оқилона муддатда танлаб олмаслиги маҳсулот етказиб берувчига шартномани бажаришдан бош тортиш ёки сотиб олувчидан товарлар ҳақини тўлашни талаб қилиш ҳуқуқини бериши белгиланган.

Ушбу модда талабидан келиб чиқиб, АЖ томонидан товар танлаб олинмагандан масъулияти чекланган жамияти шартномани бажаришдан бош тортишга ёки АЖдан товарлар ҳақини тўлашни талаб қилишга, яъни бузилган ҳуқуқини тиклаш учун мазкур иккита усуслдан бирини талаб қилишга ҳақлиdir.

Мазкур низо юзага келгунга қадар АЖ томонидан маҳсулотни олиб кетиш ва

тўловни амалга ошириш мажбуриятлари бузилганлиги ҳолатлари 10-1721/5021-сонли иш бўйича суд қарори билан аниқланган. Бунда масъулияти чекланган жамияти Фуқаролик кодексининг 448-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган АЖдан товарлар ҳақини тўлашни талаб қилиш ҳуқуқидан фойдаланган ва суд қарорига асосан танлаб олинмаган товар ҳақи масъулияти чекланган жамиятияга суд ҳужжатининг мажбурий ижро этиш жараёнида АЖдан тўлиқ ундириб берилган.

Бундай ҳолатда масъулияти чекланган жамияти Фуқаролик кодексининг 448-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган бузилган ҳуқуқини тиклаш учун шартномани бажаришдан бош тортишга ҳақли эмас. Қолаверса, шартноманинг 11.5-бандида шартноманинг амал қилиши тарафлар томонидан барча мажбуриятлари бажарилгандан сўнг тугаган деб ҳисобланиши белгиланган.

Судлар Мажбурий ижро бюроси Бухоро шаҳар бўлими томонидан АЖдан масъулияти чекланган жамияти фойдасига З 091 941 816,09 сўм маблағ ундирилгандан сўнг АЖнинг 2017 йил 5 декабрдаги етказиб берилмаган қувур маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги талабномасига масъулияти чекланган жамияти томонидан 2017 йил 15 декабрда қувур маҳсулотини етказиб бериш рад этилганлигига ҳуқуқий баҳо бермаган.

Масъулияти чекланган жамиятининг ушбу ҳаракати ҳақи тўланган ва ўзида сақланаётган маҳсулотни АЖга беришдан бош тортиши деб баҳоланилади.

Баён қилинганларга асосан судлов ҳайъати назорат шикоятини қисман қаноатлантиришни, иш юзасидан қабул қилинган Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2020 йил 11 июндаги ҳал қилув қарори ва Тошкент шаҳар иқтисодий суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 6 августдаги қарорини бекор қилишни, даъво талабларини қисман қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топган.

4-1001-1817/27951-сонли иш